

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## ҲОРМАНГ, ТОЛМАНГ, ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА!

Олтин кузнинг авж палласида Ўзбекистон улкан бир пахтазорга айланади...

Кузнинг Ўзбекистон учун алоҳида ўрни бор. Гарчанд шоир ҳар фаслнинг ўз хислати ва фазилати мавжудлиги ҳақида қанчалик мадҳ битган бўлса-да, биз учун тирамоҳнинг аҳамияти бўлакча...

Ҳолбуки, биз деҳқон мамлакат, пахтакор эл эканмиз бутун йил бўйи шу кузни кутиб, унга интилиб яшаймиз. Зеро шу фасл меҳнату заҳматларимиз самарасини юзага чиқаради, ғалвиримизни сувдан кўтаради, ҳосилимизни чошлайди, хирмонимизни пахтага, омборимизни дон дун, молу маҳсулотга тўлдирди. Шу боис...

Мамлакатимиз пахтазорларида терим мавсуми қизгин.

Куни кеча Андижон вилояти пахтакорлари юксак хирмон яратиб, Президент табриқномасига сазовор бўлишди. Фаргона, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё пахтакорлари ҳам отни қамчилашмоқда. Натижада республикамиз хирмони тез юксалмоқда. Ҳозиргача бултургига нисбатан қарийб бир миллион тонна пахта кўп тайёрланди.

“Ўзбекистонда бугун ҳамма пахтакор”, деган қўшиқ бўларди. Эҳтимол бу гап кимгадир қизил, баландтарвоз бўлиб туюлар. Аммо мамлакатимиз аҳолисининг олтимиш фоиздан зиёдроги қишлоқда яшаши ва асосан пахтачилик билан шугулланишини, давлатимиз валюта тушумининг

аксарият қисми пахта толасини экспорт қилишдан тушаётганини ҳисобга олсак, бу гапда унчалик муболага йўқлигини англаймиз. Эндликда биз яна бир эски гапни — “пахта- миллий гуруримиз”, деган қанотли иборани хушламайроқ эслаймиз. Чиндан ҳам далада ўсадиган оддий бир экин, оддий бир хомашёни “миллий гурур”, деб фахрланиш керак эмасдир. Аммо ана шу юмшоққина неъматнинг машаққатю заҳмати нечоғлиқ қаттиқ эканини, пахтакор меҳнату қанчалик оғир эканини Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир инсон билади.

Сирасини айтганда, мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар марказида қишлоқ ҳўжалигини тўбдан ривожлантириш тургани ва бу биринчи гапда бевоқиф пахтачилик билан боғлиқ эканлигини ўйласак, бугун пахтазорда ҳосил учун кетаётган кураш ҳар биримизнинг қувонч-ташвишларимизга, тақдиримизга боғлиқ эканини ҳис этамиз.

Пахта йиғим-терими мавсуми ҳақида бу қадар узундан-узун ва фалсафий-иқтисодий кириш сўз қилмасдан, “Юринлар, пахтазорга борайлик, пахтакорга мадад берайлик”, десак ҳам бўларди. Аммо ундай қилсак, гапимиз қуруқ даъват ёки баландларвоз шиордан фарқ қилмай қолар эди. Ҳолбуки эндликда пахта даласида қуруқ гап, чиройли шиорлар асло иш бермайди. Бу усуллар ўтган замонларда қолиб кетди. Бугун пахтакор аввало етук иқтисодчи: у фойдаю зарарни, даромаду буромадни обдон тушунади. Қолаверса, у олим-мутахассис: қанақа нав чигитни қачон, қанақа ерга экишни, қачон пар-



вариш қилиб, қачон йиғштириб олишни яхши билади. Бинобарин унга бошида туриб ҳалақит берадиган хайбаракаллачининг ёки ҳашарчи сувратидagi бекорчию “ошарчи”нинг ҳам кераги йўқ. Аммо...

Кузнинг яна бир хислати-тезоблиги, об-ҳавосининг ўзгарувчанлиги пахтакорни тез ва соз ишлашга, ҳосилни ёгин-соғинга қолдирмай йиғштириб олишга ундайди. Жамийки ташвишларни далага кўчиришга, том маънода сафарбар бўлишга мажбур этади. Токи бир мисқол пахта далада қолмасин.

Бинобарин, бугунги сафарбар ҳол, бугунги шижоат ва фидокорлик вазиятида теран мантиқ бор. Ахир тез ва соз йиғштириб олинган юқори сифатли

ҳосил бу юқори даромад, иқтисодий куч-қудрат, мустақил рўзгоримизнинг файзу баракаси, демокдир.

Бас шундай экан, бугун далада заҳмат чекаётган барча инсонларга ҳорманг, толманг, хирмонингизга барака, деймиз. Юртимизда яшовчи барча инсонлар пахтакорга ҳамдам, ҳамкор бўлади, ким моддий, ким маънавий кўмак билан оғирини енгил қилишга баҳоли қудрат мадад беради, дея умид қилиб, шунга астойдил даъват этиб қоламиз. Зеро бунинг ҳикмати бениҳоя улуг, аҳамияти юксакдир. Бу — яқдслигимиз, ҳамжихатлигимиз ва жипслигимизни яна бир қарра намоиш этишгадир.

Ҳабиб НЕЪМАТОВ

Тошкентдаги «Чинобод» сўхатгоҳи юртдошларимизнинг сеvimли масканларидан биридир. Сўхатгоҳда одамларнинг нафақат соғлиқларини тиклашлари, балки маданий ҳордиқ олишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу ерда ўтказилаётган “Сиз кутган учрашу”, “Биз соғломмиз”, “Маҳалла ўз уйимиз” каби маданий кечалар дам олувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.



Суvратларда: «Чинобод» сўхатгоҳи дам олувчилари.

Суvратчи: О. НУРМАМАТОВ

Республикамиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ бозор иқтисодига йўналтирилган демократик фуқаролик жамиятини тиклашга қадам қўйди. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига оид 67 та халқаро ҳужжатга қўшилди.

Бу ҳужжатлардан бири Болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция бўлиб, ушбу ҳужжатни Ўзбекистон 1992 йил декабрда ратификация қилди. Бу билан болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ёш Ўзбекистон давлати сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини бутун дунёга маълум қилди. Болаларни соғломлаштириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама ёшга қўлай тарбиялаш ишлари босқичма-босқич амалга оширила бошлади. Бугун ҳеч кимга сир эмаски, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Ўзбекистон соғлом, бахтли оналик ва болаликни давлат сиёсати даражасига кўтарган ягона давлатдир. Шу маънода болалар ҳуқуқларини таъминлаш учун Ўзбекистонда қатор қонунлар қабул қилинди. Асосий қомусимиз бўлган Конституциямиз ва Оила, Маъмурий жавобгарлик, Фуқаролик,

Жиноят, Меҳнат кодексларида оналик ва болалик манфаатлари тўлиқ ифодаланган. 70 дан ортқ меъёрий қонуний ҳужжатларда аёллар ва болалар манфаатлари кўзда тутилган. Мамлакатимизда юртбоши-

бошланғич таълимни таъмин этиш, ўрта таълимни қўллаб-қувватлаш, олий таълимга шариқ яратиш мажбуриятини зиммасига олади”, – деб кўрсатилган. Қатор ривожланаётган мамлакатлар умумий бошланғич таъ-

риш 87 фоизга ортди. 99,8 фоиз ҳомиладор аёллар шифокорнинг доимий назоратида. Контрацептив препаратларни кенг қўллаш натижасида абортлар сони 4 мартага камайди. Янги туғилган чақалоқларнинг 93 фоизи она

сути билан парвариш қилинмоқда. Кейинги 5 йил давомида болалар



## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒ-ОМОН, ЕТУК БЎЛИШСИН...

мизнинг саъй-ҳаракатлари билан фарзанд тарбияси, уни баркамол қилиб воёга етказиш борасида махсус тизим шакллантирилди. Вазирлар Маҳкамасида “Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш” мажмуаси ташкил қилинди. Бундай мажмуалар вилоят ҳокимиятлари, Тошкент шаҳри ва туман ҳокимиятлари ҳузуринида ҳам ишлаб турибди. Конвенциянинг болалар ҳуқуқлари ҳақидаги бандларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ҳамда ҳамма жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш сиёсатини амалга ошириш учун Президентимиз ҳар йилнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадини эълон қилиб бормоқда. Шунга кўра «Инсон манфаатлари йили» (1997), «Оила йили» (1998), «Аёллар йили» (1999), «Соғлом авлод йили» (2000), «Она ва бола йили» (2001) давлат дастури ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Болалар ҳуқуқлари Конвенциясида таълимга алоҳида урғу берилган. Унда: «Бола билим олиш ҳуқуқига эга ва давлат бепул ва мажбурий

лимни амалга ошираётган бир даврда Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми мутлоқ саводхон эканлиги кўнгилга гурур бағишлайди. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак қўйидаги манзарага дуч келамиз: Ўзбекистон аҳолисининг ялпи саводхонлиги 1994 йилда 97,7% бўлса, 1999 йил 99,2% ни ташкил қилди. Шу билан бирга ўқув юртлирига талабаларнинг қабул қилиниши ҳам дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги микдордан қолишмайди.

Юртимизда кам таъминланган оила фарзандларига, ногирон ҳамда оилавий меҳрга муҳтож болаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз аҳолига соғлиқни сақлаш тизимидаги барча хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлайди. 1991 йилга нисбатан 2000 йилда болалар ўлими 1,8, оналар ўлими 2,3 марта камайди. Ҳомиладор аёлларни тиббий кузатиш ва ёрдам бе-

касаллиги сезиларли камайди. Полиомиелит касаллиги билан бирорта ҳам бола касалланмади. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш серқирра фаолиятдир. Биз ушбу фаолиятга тааллуқли икки соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида фикр юритдик. Ҳолбуки юртимизда Конвенциянинг болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид барча бандларига оид улкан вазифалар адо этилмоқда. 1990 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилатида дунё мамлакатлари раҳбарлари болалар аҳолига оид юқори

даражадаги учрашув ўтказган эдилар. Ушбу учрашув якунига кўра болалар аҳолини яхшилаш юзасидан Бутунжаҳон Декларацияси қабул қилинган эди. Гарчанд бизнинг республикамиз ушбу учрашувда мустақил давлат сифатида қатнашмаган бўлса-да, олинган мажбуриятларни бажариш борасида фахрланса арзиғулик ишлар қилинди.

Амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш жараёнида бизнинг республикамизда болаларни ҳар томонлама соғлом қилиб воёга етказиш учун ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги тўғрисида гоё турлиди. Шу мақсадда давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, обрў-эътиборли инсонларни бирлаштирган Альянс ташкил қилинди. Бугунги кунда Альянс аъзолари болалар манфаатлари йўлида астойдил меҳнат қилиб, бу борада ижобий натижаларга эришаётирлар.

Биз болажон халқимиз. Шу боис болалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам қатор эзгу ишларни амалга оширдик. Бу билан юртимизнинг дунёдаги бошқа мамлакатлар қаторида кадр янада юксалди. Айни вақтда бу борадаги эзгу ишларимиз янада ривожланиб, такомиллашиб бораверди.

**Танзила НОРБОВЕВА, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш» котибияти мудир**



## 3. ОДАМЛАР ИШОНЧНИ ҚОЗОНСАНГИЗ...

**(Давоми. Боши ўтган сонларда.)** Ҳар қандай бизнес сингари оила бизнесида ҳам ҳамкорларингиз билан ўзаро ишонч асосида фаолият юргизишингиз лозим. Лекин ишонч ҳам икки хил бўлади. Биринчиси ҳақиқий ва самимий ишонч. Бу ишончга сиз ҳам, бошқалар ҳам сазовор бўлиши лозим. Иккинчиси эса ўзингиз ким билан ҳамкор бўлаётган бўлсангиз сўраб суриштиринг, алданмаслик йўлини тунинг. Агар бордию алданиб қолсангиз ҳам қўйиб қолмаслик учун тегишли кафолатни таъминланг. Шундай қилмасангиз ўз ишонгингиз ишончли бўлмайди. Энг муҳими ўзингиз ҳам бировларнинг, ўз ҳамкорларингизнинг ишончига сазовор бўлинг. Булар кимлар бўлиши мумкин? Фикримизча, улар таркибига қуйидагилар кирди:

- сизнинг бизнесингиз инвесторлари;
- сизнинг махсулотингиз харидорлари;
- хизматингиздан фойдаланувчи истеъмолчилар;
- сизга қарз берувчилар;
- сиз аъзо бўлган ассоциация;
- сиз ишлаётган ходимлар;
- сиз иқтисодий муносабатда бўладиган бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар.

Инвестор сизга ишонини керак. Сизнинг бизнес фаолиятингизга қўйган маблағи унга ўз вақтида

маълум фойда билан қайтишига ишонини лозим.

Харидор сизга ишонини керак. Сизнинг товарингиз (иш, хизматингиз) келишидан ҳамда ва нархда, юқори сифатда ўз вақтида етказилиб турилмоғи лозим.

Сиз билан ишга ишлайдиган ходимлар сизга ишонини керак. Улар ўз вақтида ойлик маошини олмоғи лозим. Агар у юқори курсаткичларга эришса, бизнеси сердаромад, самарали бўлса, албатта шунга яраша чекланмаган микдорда даромад

### Тадбиркорлик мактаби

яъни муқофот олишга ишонч ҳосил қилмоғи лозим. Акциядор ишонини керак. Агар сизнинг акциянгни сотиб олса, фойда кўришига ишончи қомил бўлиши керак. Демак, ҳамини ишонч қозониш лозим. Ўз бизнесингизнинг самарадорлигига энг аввало ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз керак. Бу учун ишончли далилга эга бўлишингиз керак. Ишончли далилга ўз лойиҳангизни чуқур таҳлил қилиб эришасиз, холос.

Сиз бизнес фаолиятини юргизмоқчисиз! Сизнинг ўзингиз аввало кимлардан қарз олишингиз керак. Бу ҳолда ўзингизни қарз берувчи ўрнига қўйинг. У билан шундай муомалада бўлинг.

Сиз бировдан қарз олишда уни жуда пухта ўйланг! Сизга ҳамма ҳам хамиша қарз беравермайди. Бирин-

чи галда қарз бермоқчи бўлган киши сизга ёрдам беришдан кўра қўпроқ ўз нафсини, манфаатини ўйлайди. Иккинчидан, берган қарзининг ўз вақтида қайтишига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши лозим. Буларга оддий сўз, ҳатто қасам билан ҳам эришиш қийин. Бунга реал, аниқ ҳисоб-китоб билан, ҳозирги тилда айтиладиган бўлса, тўри ёки аниқ тузилган бизнес режа билан эришиш мумкин.

Товар ишлаб чиқариб сотмоқчисиз ёки бирорта хизмат кўрсатмоқчисиз. Бу ҳолда сиз ўзингизни истеъмолчи ўрнига қўйиб кўринг. Ўзингиз ишлаб чиққан товар ўз истеъмолчингизни, талабингизни тўла қондирадими? Бу саволга ўзингиз тўлиқ жавоб олгандан кейингина ишга тушинг.

Сиз ишлаб чиқарадиган товарингизнинг кимга ва қайси бозорга мўлжалланганлигини билинг. Агар товарингиз сердаромад оилаларга мўлжалланган бўлса нархининг ошиб кетишидан қўчманг. Товарнинг сифатига катта аҳамият беринг.

Товарингиз болаларга мўлжалланган бўлса, унинг чидамлилигига аҳамият беринг. Бир марта тикадиган жойни икки марта тикинг. Чиройли ҳам бўлсин. Хуллас, ҳар кимнинг ҳам ишончига ўзига хос ёндошиш орқали сазовор бўлишингиз мумкин.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ, иқтисод фанлари номзоди**

## 2002 ЙИЛ УЧУН «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ИШОНЛИНГ!

Республикамизда 2002 йил учун газета-журналларга обуна мавсуми бошланди. Обуна барча алоқа бўлимлари ва матбуот тарқатиш шаҳобчаларида амалга оширилади. Ҳайлашмики, бизнинг ашаддий муҳлисими сифатида газетамизга ўз вақтида ярим йилга, бир йилга обуна бўларкансиз, бизни иқтисодий жиҳатдан, демак ижодий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаган бўласиз. Айтгандай, кўпчилик газетхонларимиз талаб-истакларига биноан 1 октябрдан эътиборан газетамизнинг маълум қисми сотувда 12 варақлик бўлиб, пайшанба кuni чиқарилади. Унда Ўзбекистон ҳамда Россия телевидениесининг барча дастурлари берилади.

Янги йилдан эътиборан эса, обунада, шунингдек сотувда “Оила ва жамият” икки хил — яъни телевидение дастурлари билан ва дастурларсиз ҳолда чиқарилади. Дастурсиз “Оила ва жамият” одатдагидек чоршанба кuni, дастурлиси эса пайшанба кuni чоп этилади. Газета нархи ҳам шунга мос равишда белгиланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам Сиз бизнинг кадрдон муҳлисими бўлиб қоласиз, дея умид қилиб қоламиз.

**К**ексаликни инсон умрининг энг улуг, энг сокин, умрининг сарҳисоб пайти, дейиш мумкин. Боғбон учун ўз боғига экиб қўқартирган даракларининг мевалари кандай ширин бўлса, инсонга ўзи ўстирган фарзандларининг болалари ҳам нақадар ширин ва азиздир. Лекин ҳаётнинг қувончу ташвишлари доимо ёнма-ён юради, деганларидек оилавий ахримлар тубайли эр-хотиннинг тақдир йўллари ҳам турли ёққа қараб кетаркан, қариндошлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғулари азият чекади. Хўш, тақдир тақозоси ила эр-хотин ажралиши. Энди улар бир-бирига бегона. Лекин ўртадаги фарзандлар-чи? Бундан кейин бобо-буви ва неваралар ўртасидаги муносабат қай тарзда кечишини тахлил қилсак. Бежизга "Ўригидан данаги ширин", дейишмайди. Чунки ўз набираларини жон қадар севган буважонлар ва бувижонлардан келган мактублар, уларнинг ташрифидати дил иқроллари бизнинг ҳам юрагимизни изтиробларга тўлдиралади.

- Қалби меҳру-муҳаббатга тўла, ақлли ва келишган ўғлим 32 ёшида оғир касалиқдан вафот этди. Тақдир шундай экан.

## ЎРИГИДАН



Энди бизнинг бор қувончимиз шу ўғлимиздан қолган фарзандлар эди. Уларнинг етимлик, қийинчилик нималигини билмаслигини истардик. Келгусида ажойиб инсонлар бўлиб ўсишини орзу қилардик. Эрим ўғлимнинг маъракаларидан кейин келинимизга шундай деди: "Болам, энди сиз бизнинг қизимизсиз. Ёшисиз. Мабодо... Кўнглингизга маъқул бир инсонни учратиб қолсангиз... Сизни ўз қизимиздек қилиб узатамиз". Узимиз яшаб турган ҳовлимизни ўғил набирамизнинг номига ўтказмоқчи бўлди. Қиз набирамизнинг ҳам барча сарполарини тайёрлаб қўйгандик. Набирамиз бобоси, отаси яшаган уйнинг чироғини экиб ўтирар, дегандик. Кутилмаганда келинимиз болаларини олиб онасининг уйига кетиб қолди. Биз айтган нарсалардан кечди. Уйнинг қоғозларини йиртиб ташлади. Кейинчалик келиб алоҳида уй олиб беришимизни талаб қилди. Уйга пул ҳам бердик. Лекин мана 8 ойдики, у бизга набираларимизни кўрсатмайди. Эрим, болаларнинг буваси оғир касалиқдан сўнг ётиб қолган. Мен-ку бориб боғчасидан ҳам кўриб келаман. Лекин боғчадагилар уйга олиб кетишимга рухсат беришмайди. Бобоси эса ўзи келиб қўролмайдди. Набираларимизни соғиниб йиғлайди. Соғ бўлганда ўзи бориб кўрар эди. Биз кекса кишилармиз. Ўғлимиздан айрилиб бағримиз куйгани етмагандек, уйимиз ҳам набираларимизсиз ҳувиллаб қолди. Ахир шуларни, ўғлимиздан қолган ёдгорларни кўрганимиздагина кўнглимиз юпанч топарди-ку. Айтингларчи, айбимиз набираларимизни жонимиздан ҳам ортқ севганимизми? Келинимизнинг шу иши инсофданми ахир?"- деб ёзади соғинчдан адо бўлган тошкентлик Р. опа.

## ДАНАГИ ШИРИН...

Қўлимиздаги иккинчи мактубни эса Қибрайлик Қаримжон ота ёзибди. Мактуб анча катта бўлгани сабабли ҳамма сўзларни айнан келтира олмадик. Лекин мана бу сўзлар нафақат бизни, балки газетхонларимизни ҳам ўйлантирса керак.

"...Ўғлим билан келиним севishi турмуш қуришди. Уларнинг бир-бирларига жуда муносиб эканлигидан қувонгандик. Йиллар ўтиб уларнинг муносабатлари ўзгара бошлади. Биз насихатлар қилиб оиласини сақлаб қолиш учун жуда кўп уриндик. Лекин бўлмади. Икки нафар фарзандли бўлишганида оила бузилди. Набираларимиз Умиджон билан Севара бизга овунчоқ бўлиб қолишганди. Улар ажрашиб кетишгач, айниқса биз чолу кампирлар бундан кўп азият чекадик. Ўғлимиз қайта уйланди. Лекин фарзандларидан доимо хабар олиб турардик. Бироқ келинимиз кейинчалик набираларимни бизниқига юбормай қўйди. Биз уларни жуда яхши кўрардик. Набираларимиз ҳам келганларида югуриб келиб бўйнимиздан ачомлаб олишарди, ҳовлида қийқириб уйнашарди. Кетаётганларида эса қандайдир маънос бўлиб қолишарди. Улар ўзлари туғилган, ўрганган ҳовлини ташлаб кеткиси келмаётганликларини сезиб эзилардик. Уларга қийинлигини биламан. Чунки инсон ўзи ўрганган жойдан бемахал айрилса анчагача ўзига келолмайди, бошқа жойга ўрганиши қийин кечади. Буни ўз бошимдан ўтказгандим. Етимликда бировларнинг эшигида катта бўлганман. Хеч кимга етимликни равон кўрмагандим. Минг афсуски ўз набираларим оталарининг тарбиясини олишдан маҳрум бўлишди.

Одам кексайганидан кейин фарзандларидан ҳам кўра кўпроқ набираларига меҳр қўяркан. Агар улар бағринда бўлса, истаган пайтнингда тиззанга ўтқазиб бошини силасанг, турли ширин сўзларини эшитиб завқлансанг, ўтган умринг янада мазмунли кўринавераркан. Бекорга яшамаганингни ҳис этар-

кансан. Аммо ойлаб уларни кўрмаслик эса кекса кўнглиларни вайрон қилиб юбораркан. Хозир собиқ келинимиз набираларимизни олдимизга юбормай қўйган. Уларга атаб олинган велосипедлар, уйинчоқлар бўлса ҳовлида мунгайиб ётибди. Набираларимизга ёзда кийишлари учун олган кийимлар эса энди уларга кичкина ҳам бўлиб қолгандир... Хеч кимнинг бошига дийдор зорлиги тушмасин. Келинимиз инсофга келиб набираларимизни ҳузуримизга юбориб туришини Худодан сурашдан бошқа чорамиз қолмади, энди..."

Соғинчнинг адоқсиз кўз ёшлари томчилаб турган мактубларни ўқиганимизда қоғозлар ҳам титраётгандек туюлади. Сатрлар аро кўз ёшлари оқаётган нуруний чехралар кўрингандек бўлаверади. Уларга энг яхши сўзларимиз билан тасани-тасалил бергимиз келади. Тахририятимизга худди ана шундай муаммолар билан ташриф ҳам буюришади. Биздан ёрдам беришимизни сўраб: "Набираларимни бор қалбим билан суюман, усиз яшай олмаيمان",- дея илтижо қилаётганларга нима дейлик? Бир куни кексагина, мулоиймлиги юз-кўзларидан билиниб турган аёл келди.

- Беш нафар фарзандимни уйли-жойли қилиб тинчидим, энди кўл-оёғимни узатиб роҳат қилиб яшайман, деб қувонгандим. Тақдирнинг ишларига бир нарсаси деб бўлмас экан. Ўтган йили кичик ўғлимиз тўсатдан вафот этди. Келинимиз ўғлимнинг маъракаларидан кейин онасиникига кетмоқчи бўлди. Начора, рухсат бердик. Икки боласи билан яшаши учун ҳовли олиб бердик. Ораимиз унча узок эмасди. Аввалига набираларимиз келиб туришди. Кейинчалик улар келмай қўйишди. Эшитсак, келинимиз уйини сотиб кўчиб кетибди. Ота-оналари ҳам бирга кетишибди. Уларнинг қаердалигини ҳеч ким билмайди, денг. Шундай ҳам бўладими? Мен уларни Тошкентда деб эшитдим, шаҳардаги ҳамма боғчаларга бир-бир бориб икки набирамни изладим. Лекин тополмадим. Шукр, улардан ташқари 14 нафар набирам бор. Буни қарангки, биз додаси билан шу иккисига қаттиқ меҳр қўйган эканмиз. Уларни уч-тўрт йилдан кейин топдик. Эшитишимизча, улар ҳам бизни соғиниб ичкишиб касал бўлишган. Набирамнинг қаттаси хозир 7-синфда. Уйимизга ўзи келиб туради. Келинимиз минг уринмасин боласидаги қондошликни, меҳр риштасини узолмади. Лекин бизчи? Айни уларга ўша пайтда беришимиз керак бўлган меҳримизни бера олмадик. Кечикиб бўлса-да, уларни бағримизга босганимиздан хурсандимиз. Мана энди келимининг ўзи ҳам байрамларда: "Буважон, бувижонларингни кўриб келинглар",- деб юбораяпти. Шунисига ҳам раҳмат. Лекин ханузгача нега ўша пайтда болаларини биздан яширганга тушунаймаман, деди у кўз ёшларини артиб. - Балки ёшлиқ қилиб, қайнона-қайнотасидан ўч олиш учун болаларини бобо-бувилари меҳридан бенасиб этаётган келинлар ҳам бордир. Менинг гапимни эшитиб чиқаринглар, шояд шундайларга ибрат бўлса..."

Хонадонда фарзанд туғилганида энг аввало қақалоқнинг бувасию, бувижониси шод бўлиши табиий. Ҳаммага суяночи улашадиган ҳам, гўдақнинг ҳар бир айтган сўзига, қилиқларини тақдор-тақдор кузатиб юраклари шодликка тўладиган ҳам шулар эмасми? Қўл холда ўз севимли зурриёдларини қўришдан мусово бўлган кексаларимиз изтироб билан тақдирга қўниқиб яшайверадилар. Нега? Андишали бўлишгани учун қонуний идораларга бориб ўз ҳуқуқларини талаб қилмайдилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 77-моддаси айнаш шундай ҳақда. Унда: «**Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўриши туриш ҳуқуқига эга. Ота-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришига имконият бермасалар, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бири) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин...**», дейилган.

Тақдир тақозоси билан ажрашган ёки бева қолган келинларимизга айтадиган гапимиз шу: Қадимдан бизнинг халқимизда кексалар эъзозланган, эҳтиром этилган. Чунки уларнинг дилини оргитганнинг бири икки бўлмади, косаси оқармайди. Бу ҳаётги ҳақиқат йиллар давомида исботланган. Оиласи бузилгач, нималардандир аччиқлашиб, қасдлашиб бобою бувиларни неваралари меҳридан, дийдоридан маҳрум этиб олиб қочиб юришган келинларимиз шунинг англашга яхши бўларди. Кексаларнинг кўнгли нозик, лекин меҳрлари беқиёс бўлади. Қайтар дунё, дейдилар бу дунёни. Бир куни бунга иқдор бўлиб афсус чекканингизда эса кеч бўлмасин...

Басира САЙИДАЛИЕВА



## ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН

(Боши ўтган сонларда)

Оила аъзоларинг олдида аёлингга ҳа деганда эътибор бераверма. Сўз қотаверма. Ташқарида, дўсту қадрдонларингнинг орасида жуфтингни таърифлама; у ҳақда гапиринг келавермасин! Боиси, бир савол пайдо бўлади: тегранда аёлингдан бошқа азироқ одам йўқми? Улар таърифномашига арзимадимми? Ва ҳоказо... Оила мустаҳкамлиги қачон дарз кетади? Бошқаларни бир томонга суриб, ҳадеб бир кишини мактайверисдан! Қолаверса, аёлингнинг парда ортида асраганинг, ориятингга ўраган гавҳарингдир. Ўз асраганини эса рисоладаги эркак ўртага солавермайди!

Ўғлоним, келин келгунча уйингдагилар учун бола эдинг, унча-мунчага сендан гина қилмасдилар. Қуёв бўлган заҳотинг катта кишига қандай қарасалар, сени шундай тафтиш эта бошлайдилар; энди сен учун энг қалтис жой - оиланг, яқинларинг! "Рўзғор" деган хилқатинг ҳеч қаерда ёзилмаган қонунлари, ҳукми ва жазолари бор. Кўпинча сенинг хатолигинг учун аёлинг жавоб беради. Эҳтиётсизлигинг боис, битта ўзинг бир неча кишига зиён етказасан. Бир жон сенга турмушга чиқиб фароғат кўрмоқчи эди, кўрсин! Ота-онанг сени уйлантириб орзу-хавасга эришмоқчи эдилар, эришсинлар! Ҳар бир ҳаракатинг ҳисоб-китобида, кўзингни оч, ўғлоним!

Кўчадан кираркансан, сўзинг билан ҳам, кўзинг билан ҳам аввал онангни изла, отангни зиёрат қил, ахволларини сўра, сўнггина аёлингни кўр ва болангга эътибор қил. Билгингни, ота-онангнинг сени қутишдан бошқа иши қолмаган. Эшикдан кира солиб аёлингни сўрадинг эки болаларингни алқашга тушдинг. Шугина хатоингнинг касрини кўр; кўзим тегмасин деб, сени ўзидан ҳам қизганиб ўтган она сени бутунлай эғгаллаб олган келиндан қизғонмайди! Мувозонадан бундан таранг тортади, қайнона-келин можаролари бошланади. Оналар ҳам икки хил бўлгич. Бағри кенги айтади: "Худога шукр, болам кўчадан келса, кутиб оладиган аҳил аёли, овунирадиган болалари бор, энди хавотир олмамасам ҳам бўлади. Ҳузуримга унча югурмаяптими, демек болам менсиз яшай олади, энди менинг йўлашимга эҳтиёжи қолмабди. Аксинча, ҳадеганда касал бўлиб, уни ҳам чикимдор, ҳам безовта қилаяпман. Бу боламга жабр", - дейди она. Аста кетиб кўя қолсам, унга енгилроқ бўлармиди, деган ўйлар келади кўнглига! Бола-чақаси билан ўралашиб, волидаи ғаниматидан фаромуш бўлган ўғлоним, кўрпапанми, онанг минг ризолик билан ўзига ўлим сўрай бошлади...

(Давоми бор) Турсунӣ СОДИКОВА

# САБОК

Дам олиш кунлари эди. Фарзандларим билан хиббон бўйлаб борардик. Шаҳримизнинг кундан кунга чирой очиб бораётганини кўриб дилим қувнардим. Вужудимни ахиб бир кўтаринкилик чулғаб олгандек... Фарзандларимнинг чугур-чугур қилиб сўраётган минг бир саволига эринмай жавоб беришга ҳаракат қиламан. Бир пайт ўғлим: "Вой, ойижон, анави кишини қаранг, нега ерда ётибди", - деб қолди. Беихтиёр ўша томонга қарадим. Юз, кўзлари шилинган, кийим боши ифлос маст киши ерда аганаб ётарди. У бизнинг миллатдан эди. Хаёлимдан чакмоқдек: "Онаси бормикан? Кимдир не машаққат билан вояга етказгандир, ахир", деган фикр ўтди. Кўнглим бузилди кетди. Кўтаринки кайфиятдан асар ҳам қолмаган, вужудимни гашлик эгаллади. Болаларимни тез-тез юришга ундаб, уйга шошилдим. Улар ҳам бир нимани тушунагандек, чурқ этмай боришарди.

"Оллоҳим, ўзинг суюнтириб берган фарзандларимни паноҳингда асра! Имонли, инсофли бандалардан қил! Элу-юрт олдида шарманда қилма!" Кун бўйи тилимда ҳам, дилимда ҳам шу тилак айланарди.

"Оллоҳим, бир умр шайтон васвасасидан омон сақла! Ҳамиша ҳаромдан йироқ қил". Кечки пайт дарс тайёрлаб ўтирган ўғлим бир парча қоғоз билан олдимга келди. "Ойижон, қаранг "АРОК" сўзини тескари ўқисангиз "ҚОРА" сўзи келиб чиқар экан. Шунинг учун ҳам у ичган кишиларни қора ишларга бошлар экан-да", - деса бўладими. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Шу тобда унинг юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб олгим келарди. Эрталабки ноҳуш манзара ўғлимни ҳам ўйлашга, мушоҳада қилишга мажбур қилган, у кишини шу кўйга солган ичкилик эканини тушуниб етган эди.

Ноҳуш манзарадан мураккабни вужудга улкан сабоқ берган Аллоҳимга ҳамду санолар айтдим.

Гулнора АБДУРАХИМОВА

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

## Мақтубингизни ўқиб...

# ЭНГ ГЎЗАЛ ФАСЛИНГИЗДА

Ёшим 19 да. Яхши бир оила-нинг кенжа қизиман. Оилада бир қиз, бир ўғил қолганимиз учунми ота-онам ва опамлар хоҳишимизни бир зумда бажаришади. Ҳеч вақт «йўқ» дейишмайди. Шу тарақа эрка бўлиб ўсганман.

9-синфни битириб ўқишга кирдим. У ерда яхши баҳоларга ўқидим. Талабалик даврида қизларимиз: "Уни яхши кўрдим, бунга яхши кўрдим", - дейишса ҳайрон бўлардим. Дугоналарим эса: "Қор маликаси сенинг юрагингни музлатиб қўйган. Шунинг учун ҳеч кимни ёқтирмайсанда", - деб қулишар эди. 3-курсда ўқийдиган хушсуврат ва одобли бир йигит қизларимизнинг кўпчилигига ёқарди.

Бир сабаб бўлдию у билан дўстлашиб қолдик. У ўқитувчимизнинг ўғли эди. Менинг эркаликларимни кўтарар, нима десам ҳаммасини муҳайё қиларди. Бир кун бизникига ўқитувчимиз совчи бўлиб келдилар. Ота-онам унашмади. Аммо барибир 3-4 марта баҳо келди. Бизникилар барибир рози бўлишмади. Улар ўзларига тинч, анча баобурў ёла эди. Кўп ўтмай у ўйланди. Бу нарса менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Бу орада ишга кирдим. Ишхонамда бошлиқ ва касбдошларим мени "бизни кичкинтойимиз" деб эркалаб ҳурмат қилишарди. Чунки ҳамма ишларни ўз ўрнида бажараман. Ишдан сўнг баъзан қўйлақ тикаман, торт ва биричликлар пишираман. Орадан кўп ўтмай бир йигит ишга келди. Ишхонада у билан тез-тез гаплашиб турадиган бўлиб қолдик. Ҳаёт менга муҳаббатни яна қайтариб берди. Биласизми, мен уни яхши кўриб қолдим. Хоҳ ишонинг, ҳозир ишонманг мен ҳаттоки унинг кўзига қарагани уяламан, бирга гаплашсак ҳам ниманидир баҳона қилиб қочиб кетаман.

У ҳам мени ёқтиради шекли, ҳар хил баҳона қилиб гапга солаверади. Агар у хонамга бирон иш билан кириб қолса, ичмимга шундай ҳаяжон тўладики, баъзида ўзим ҳайронман. У озгиндан келган, оқ-сарикқина, бўйлари узун бола. Яқинда уни армияга кетаяпти, деб ҳақда қилишди.

Мен ўзимни қўярга жой топа олмадим. Йўқ, Худога шукр, мени синагани дугонам атайин айтган экан. Негадир 2-3 кун ишга келмади. Қариндошлариникига кетган экан. Мен 2 кун ухловмай қичдим. У эса бундан беҳабар. Қардан ҳам билсин, бунга...

Балки бу тақдирдир, балки бирга бўлармиз, балки яна... Қардан бўлмасин унга бахт тилайман. Майли менинг ҳаётим "Нега" қўшиғига ўхшасин. Лекин у бахтиёр яшасин. Унга дунёда неки яхшилик бўлса барчасини тилайман. Вақти келиб мен ҳам ота-онам истаган инсонга турмушга чиқарман, улар орзу қилган келин бўларман... Унинг гўзал исмини ўғлимга қўяман. Чунки ўғлим унга ўхшаб ақли, одобли бўлсин. Яқинда унинг туғилган кун бўлди. Мен унга совға олиб қўйдим, лекин беролмадим. Унга бир нима дегим келади-ю, лекин айтолмайман. Қанийди унинг ўзи кўзимга боқиб дардимни билиб олсайди. Мен роса ҳам чарчадим, касал ҳам бўлиб қолдим. Фалакнинг гардиши билан тақдиримиз бир бўлиб қолса эди, деб илтижо қиламан. Лекин ўзимни тақдиримни, ўз ҳаётимни ўзим қуришим керак. Ахир қандоқ қилиб, унга: "Сизни яхши кўраман", - деб айтаман? "Қарс икки қўлдан чиқади", дейишганку доно халқимиз. Билмадим, балки ҳаммада шундай бўлган-дир — юрсам ҳам, турсам ҳам, ётаётсам ҳам фикру ўйим унда. Ишонасизми, ҳатто хонамга кириб қолса Худога шукр дейман, бир хонада нафас олаётганимиздан. Қандай бахт у билан бир хонада гаплашиб, нафас олиш.

Ишонсангиз бир ярим йил бўлган бўлса бирга ишлаганимизга ҳали ҳам бирор мартаба уяламан. Ҳамма билан гаплашавераман, у билан эса... Балки у шуларни сезар, балки йўқ... "Оила ва жамият", илтиҳоларим унга сизлар орқали етиб боришини истайман. Чунки у ҳам газетанинг ҳар бир сонини зўр иштиёқ билан ўқийди.

Фаргона шаҳри

ЛАЙЛО

### ФАРФОНАЛИК ҚИЗИМИЗ ЛАЙЛОХОН!

Сизнинг бу мақтубингизни ўқиркан, ишончимиз қолмади ёши анча катта кишилар кўнглидан "Эҳ, ёшлик, ёшлик"... деган нидо отилиб чиқади... Бу нидога сизга, сизнинг ана шу гул ёшингизга, буёғун кундаги гўзал армон ҳасратларингизга ҳавас, бир қадар ўқинч ҳам яшириш бўлади... Чунки кўпича инсон ёшлигининг ташвишу шодлиқларига фарқ бўлиб, бошидан кечираётган навқирон фаслининг қадрига етмайди... Ёши ўтгай эса... Ўша даврдаги ўша умрининг баҳоридега айниқса кўнглига, муҳаббатга доир қайгу-ҳасратлар, армонларнинг бари-бариси нақада қиройли ва қайтарилмас эканлигини фаҳмлайди...

Сиз ҳам қизинам, айни дамларда пайти келиб армон билан эсланмажак фасли бошдан кечиряпсиз. Бағрингизда гуриллаб ёнаётган севи оловини севгилингизга ошкор этишса ҳаё йўл бермайди. Ҳеч кимга бу ҳақда айтолмайсиз ҳам... Севгилингиз эса негадир жим...

Қизим англашимча, сиз айни ҳолда ўзингизни тўғри тутаяпсиз, ўз-ўзингиздаги катта ҳис-туйғуга сабот ирода билан дош бераяпсиз, ўзингиз билмаган ҳолда катта ҳаёт синовидан утаяпсиз. Асл қизларимиз, аёлларимизга азалдан хос фазлу хуеусият бу... Балки ўша йилит ҳам сизни тишмай қузатаётгандир, ахлоқ-одобингизга зимдан баҳо бераётгандир. Ҳали кўрасиз, сиз йўлларига қўз тиксан ўша йилит сизнинг ҳусну латофатингиз, чиройли хулуқ рафторингиз наздида охир-оқибат енгилади ва севгисизга қўйиб бош эгиб қошингизга келади, қалбини очади.

Биз эса, биз эса сизларга ўхшаш юртимизнинг барча ёшларига қайноқ муҳаббатга йўғрилган бахту иқбол ёр бўлишини тиллаб қоламиз...

М. КАРИМОВА



# ҲАЁТ ТАШВИШЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ

## УНИ ҲЕЧ КИМ МЕНЧАЛИК ҚАДРЛАЙ ОЛМАЙДИ

Мен "Оила ва жамият"нинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан хутаман ва қизларимга, келинимга ҳам ўқитаман. Мен тўфайли газетани ҳатто кўни-кўшиларини ҳам севиб ўқийдиган бўлиб қолишди. Лекин ҳозирги кунда мени қийнаётган, юрагимни парчалаб "оҳ" десам озғимдан олов чиқаётган бир сабаб тўфайли сиз юртдошларим билан маслаҳатлашмоқни ният қилдим. Илгарилари доимо газетадан аёлларнинг дил ҳасратларини ўқиб ҳам эзилар, ҳам раҳиман келарди. Оилабузар, ноинсоф аёллардан нафратланар эдим. Оҳ, бу савдо ўзимнинг ҳам бошимга тушишини ҳеч хаёлимга келтирмаган эканман. Минг афсуски 35 йиллик ширин турмушимга дарз кетди.

Мен студентлик даврида севиб-севдилик турмуш қурдим. Худога минг қатла шукр, яхши яшадик. Иккаламиз ҳам олий маълумотлимиз. Бир неча ўғилу қизни ўстириб вояга етказдик. Ҳозир набираларимиз ҳам

бор. Энди бундан бу ёғига бола-чақамнинг роҳатини кўриб, тинчгина яшаймиз, деб умид қилгандим. Сабаби менинг Худога ишонгандай ишонган севгилим — эрим шу ўзида менга сездирмай қизга тенги қизга уйлашиб олибди. Наҳотки ўша 24 ёшли қиз отаси қатори — оилали, ҳатто неваралик, 56 ёшли эркакка иккинчи хотин бўлиб, болаларнинг ризқини ярим қилиб, бир муштипар аёлни қон-қақшатиб, маишат қилиб яшаса. Энг улуг зот саналмиш эркак — ота ўз болаларига, хотинига қарагиси келмай, уларга бақариб-чақариб, оилада худди бировга ўхшаб кириб-чиқиб, қизи тенги ёш аёлнинг айтганини бажариб оиласини но-чорликда қолдирса. Наҳотки ўша қизга ўз тенги топилмас-са? У қизнинг ота-онаси наҳотки сўрамай-суриштирмай бу эркакнинг хотини борлигини била туриб, қизини бериб юборса? Менинг бошимга тушган шундай аянчли кун шу қизнинг онаси бошига тушса нима

қилган бўлар эди?

Мен ўша жувонга шундай демоқчиман: "Эй қизгина, бу тўрт кунлик дунёда пул, буюм, уй-жой қилардан қолмаган? Сен ҳали ёшсан, қўзингни оч, кейинги ҳаётингни ўйла, бир муштипар аёлни — онани зор қақшатма, шуни унутмаки, унинг оху уволи сени бир кун уради. Ҳали ҳам кеч эмас, ўз тенгингни топ. У эркакнинг оиласини тинч қўй, ўз йўлигини топ..."

Бундай юзсиз қизлар ҳаётимизда балки қамдан-қамдир. Лекин ота-оналарга қизлар тарбиясида эҳтиёт бўлишни уқитиргим келади. Токи ёш қизлар бир оилани хонавайрон этиб, хотини-болаларини йиғлатиб уволига қолмасин.

Азиз юртдошлар, мени — қўйган онани, муштипар аёлни кечиринглар. Мен барибир ўз бегимни олдингидан-да юз чандон яхши кўраман. Эй қизгина шуни унутмаки, барибир мен бегимни сенга бериб қўймайман. Барибир уни ҳеч ким менчалик қадрлай олмайди.

А. Г.

Самарқанд шаҳри

## УНИНГ ҲАҚИГА ДУО ҚИЛИНГ

Мен сизга сўзламоқчи бўлган инсон оила қўрғанига ўн йиллар бўлдики ҳали ҳам тирноқча зор. У ҳеч кимсадан ердамини аямайди, қўлидан келганча ёрдам қиладди. Ҳеч кимга зарари тегмайди. Лекин... Аллоҳ у кишига фарзанд ато қилмапти, энди аёли билан ажрашмоқчи. Аёли ҳам худаям яхши, меҳнатхас. Мен бу мақтубимни ёзишимдан аввалроқ у кишини йиғлаб ўтирган ҳолатда кўрдим. Ўзимни билмаганга олиб сабабини сўрадим. У киши фарзандга зор экан-

лигини айтди. Э, воҳ, эркак кишининг йиғлаганини биринчи марта қўришим. Бу киши менга аслида етти ёт бегона. Лекин нима қилай, бу аҳволни кўриб ўзим йиғлаб юбордим. Ахир у киши акамдек бўлиб қолган. Эй азизлар, мана шу яхши инсоннинг ҳақиқа дуо қилинг, зора раҳмдил ва қодир Оллоҳ ўз марҳаматидан баҳраманд этиб унга ҳам фарзанд ато этса...

Тошкент

ИСМИГУЛ

## КЕЛСА — КЕЧИРАМАН...

Хотиним билан яхшигина яшаётган эдик. Икки қизларимиз ҳам бор. Лекин хотинимнинг аяси ва бувиси оёғимизга аралашиб илаҳимизни буздилар. Хотинимнинг ўзида ҳам айб кўп. Лекин эр-хотин келишиб, таллашиб-тортишиб яшаётган эдик. Катта ва ки-

чик қайноналарим мени хотиним измига бўйсундирармиз, деб ўзларича ўртада уруш чиқаришди.

Ўзим туғилиб ўсган оила тинч-тотув. Шу вақтгача маҳалла-қўйга бирон бор гапимиз чиқмаган. Опоқим, бувам, дадам, ойим борлар.

Оиламиз бузилганига 20 кун бўлди. Аммо мен аёлимнинг бўйин эгиб келишини, мени тушунишини ҳамон кутяпман. Келса мен уни кечираман.

Баҳодир ЖУМАОБОВ

Андижон вилояти, Пахтабод тумани, Маданият қишлоғи

## ЯХШИЛАР КЎПАЙСИНУ, ЁМОН ҚОЛМАСИН!

Кўнлик синглим Хуснидаҳон! Ҳаёт мушқларидан зарба ёб, яшаш завқидан ҳам безиб, ўз жонингизга қасд қилмоқчи эканингизни эшитиб жуда-жуда ранжидим.

"Ахир, менга ҳам ҳаёт икки марта берилмади-ку. Ҳаётдан ҳам тўйиб кетдим. Ўзимни бир нима қилиб қўя қолай десам, гулдек болаларимни ўйлайман. Мендан кейин уларнинг ҳоли не кечди дейман", - дея зорлангисиз-а?

Зинҳор ба зинҳор шайтоннинг гапига кирманг. "Астафурulloҳ"ни кўпроқ такрорлаб, шайтонга ҳай беринг.

Инсон ўз жонига қасд қилса, тўнғиз қадамида кетишини билмайсизми? Бу қилмишингиз "Оллоҳга исён" саналади. Эшитмаганимиз, донолардан бири: "Яшаш ҳар қанча кўйин бўлиб қолганда ҳам яшай билгин", - деган.

Ҳаётда фақат ўлимнинг илоҳи йўқ, бошқа ҳар бир мушқлотга илоҳ топса бўлади. Афсусланадиган жойим шундаки, ёмон қайнона-қайноталар тўғрисида гап эшитсам, алам билан йиғлагим келади, ўқиниб кетаман. Чунки ўз қайнонам Фотима биби раҳматли худди шоир Муқимийнинг онасидек ўта ёқимли, ширинсухан аёл бўлганлар. Эсингиздами, Муқимийнинг онаси Хушрўйибиди бирор марта бўлсин аёллар гурунгига катнашмай қолса, аёлларни хумори тутар экан. Шу тўғрисида уни Хушрўйибиди эмас, Хуморбиби деб номлашган экан.

Раҳматли қайнонам мен келинни еру кўкка ишонмас эдилар. Болаларимга эса умрларини нисор қилиб қарардилар. Чунки мен ўша пайтда ҳам техникум, ҳам олийгоҳда дарс бераддим. Билишимча, у киши фақат менга эмас, эл фойдасига улуш қўшардилар. Қайнотам Хужоиаҳмад ота эса қайнонам вафотидан сўнг гўдакларимга қарашни давом эттирдилар. Энг кичик ўғлим Аҳмаддан 4 яшарлигида 86 ёшда оламдан ўтсалар, гамага чидамлай бўзлаб, фарёд уриб йиғлаганман...

Мен ҳамма юртдошларимга шундай меҳрибон қайнона ва қайноталарни илинаман. Беихтиёр сизнинг қайнона-қайнотангиздек қайноталар ҳақида хунук гап-

лар эшитсам, ранжиб қоламан. Наҳот улар ўғлининг бахтини ўйламай соғувати, ўзига нафрат ёдирди. Ахир, "Қайнона ҳам онадир, қайнотаси чин ота", - дея юрийтилади элимизда. Шундай бўгани холда уларнинг дилозорлик қилиши, икки ёш бахтини ўйламай безобетларча иш тутishi ранжитади кишини.

Қайнонангиз ҳақида "У кишининг қарғишларига илон ҳам пўст ташлайди", "Қайнонам ёки қайнотам ишдан келсам, совуқ гап билан одамни бир узиб олишмаса, уйқулари келмайди", "Қайнонам, қалтироқсан" десалар, қайнонам (яхши муомала қилганим учун) "патхалим" дея лақаб қўйганлар", - деб нолибсиз.

Хуснидаҳон, кишини қувонтирадиган томони шундаки, «дил изхорингиз» мазмунидан болаларингиз ҳам, ўзингиз ҳам оғир, босиқ, тўсатдан бировга гап қайтариб озор бермайдиган тарбияли экансиз. Демак, ёнай деган ўтти ўз удумларингиз билан қайнона-қайнотанга бас қелиб ўчираркансиз. Бу яхши, бўлмаса момақалдироқ чакмоққа айлиб, ҳаёт ёниб кул бўларди. Яхшиямки ҳаётда сиздай одамлар бор. Лов-лов ёнишдан яхшилик чиқмайди, босиқликда гап кўп.

Давлат ишида ишлаганингиз ҳам яхши экан, чунки юпанишингизга ёрдам беради, ҳечам хизматингизни ташламанг.

Одатда қайноталар кўпинча келинларга меҳрибон, ширинсуз, ёрдам беришадиган бўлишади. Бу жуда ёқимли.

Зотан, менинг турмуш ўртоғим ҳам ҳамма келинлар ва қизларимга бирдек меҳрибон. Келинлар бизни қарилгимизда ок ювиб, оқ тарашга, жонимизга малҳам бўлишга ярашмоқда. Энг кичик келиним Моҳибону — врач. Уни ўқийшининг 4 курсдалигида келин қилиб, ўқийшни битиришига кўмаклашганимиз. Касал бўлиб қолса, дастлабки ёрдамни уйда ўзлари берадилар. Отанасига қандай меҳрибон бўлса, биз чолкампырга ҳам бирдек қарайди.

Ростини айтсам,



рўномада чоп этилган қайнотангиз (ухлайвериб шишиб кетганга ўхшайди-я) жуда ноинсоф экан, ҳеч кимсага бундай қайнотачурачаним илоҳим, уларга эса инсофутавфик ато этсин.

"Ижарага бўлса ҳам бошқа уй топиб чиқиб кетиш" ҳақидаги фикрингизни ҳам маҳалла аҳли ва ёстиқдошингиз билан бамааслаҳат амалга оширсангиз деган фикрданман. Чунки "Ота рози - Худо рози", - деган нақлга ҳам амал қилишга

### "Улардан кўнглим қолди" - 31- сон

**ЭСЛАТМА: Эрим оиладаги энг кенжа ўғил. Биз севишиб турмуш қурганмиз. Тўрт нафар фарзандимиз бор. Елиб-югуриб хизмат қилсам-да, ҳануз қайнота-қайнонамнинг кўнглини ололмадим.**

**Ҳар ишимдан қийиқ ахтаришади. Охири улардан кўнглим қолди.**

**ХУСНИДА**

тўғри келади.

Сизга маслаҳат: бундай гапларга парво қилмай, ўзингизга олмай дадилроқ бўлиб яшайверинг. Болаларингизнинг орзу-ҳаваси билан юпаниб яшашга ўрганинг. Шу фарзандларни ўша қайнона-қайнотанинг фарзандидан орттиргансиз. Лекин болаларингизнинг тарбиясига алоҳида эътибор беринг. Хали қараб туринг, келгусида сиздан бой келин бўлмайди: даврангизга солиха келинлар, меҳрибон кўвлар қўшиладики, ўшанда сиздан ажойиб қайнона (чунки қайнона-қайноталар зугумини тотигансиз) етишиб чиқади. Лекин қайнонангиз "удуми"ни такрорламайсиз-а?

Азиз муштарийлар, тилагим: гўлгун замонамизда яхшилар кўпайсини ёмон қолмасин, шу гапимга қўшиларсиз деб умид қиламан.

Афифа ҲАСАН қизи

## ФАРЗАНДЛАРГА ШИРИН СЎЗ БЎЛИНГ

Синглим Хуснида, сиз фарзандларингиз келажанин ўйлашингиз керак. Мен сизни ҳозир қандай холда эканлигингизни тушуниб турибман. Ойлангизни сақлаб қолиш учун ўзингизни ўтдан-чўкча ура-яйсиз.

Синглим Хуснида, нима бўлса ҳам ойлангизни сақлаб қолишга ҳаракат қилинг. Бу кунлар ҳам ўтар-кетар. Фарзандларингизни имкони борича кўп уришманг. О'илада фарзандлар отадан кўра онадан кўпроқ сабоқ олади. Фарзандларингизни қанча кўп уришсангиз

улар шунчалик кўрқоқ бўлиб, кўнгли ярим бўлиб вояга етишади. Елкаси қисик бўлиб тарбияланади, Аксинча ширин сўзлар билан тарбиялангансиз улар шунча мард бўлиб, тарбияланади. Синглим Хуснида, «Етти ўлчаб бир кес», деб бежиз айтишмаган. Қайнонангиз, қайнотангиз ҳам кеч бўлса-да, инсофга келиб қолар. Фарзандларингиз бахтига ҳамisha соғ-саломат бўлинг. Сизга сабр-тоқат ва бахт тилаб қоламан.

**ШОДИХОН НИЗОМОВ**  
Самарқанд вилояти,  
Оқдарё тумани

## ТУРМУШ ЎРТОҒИМ МАРД ИНСОН

**ЭСЛАТМА: Келинимиз қизини ўз дугонасига узатди. У тўй арафасида касал бўлиб қолди. Икки марта ҳомиладор бўлдию иккиси ҳам побуд бўлди. У иккинчи бор операция бўлиб ётганида даволовчи врач: «Энди туғиши қийин», - дебди. Шу билан уларнинг оиласи дарз кетиб ҳозир ажралиш арафасида...**

Мен бу мақолани ўқиб туриб ўз тақдиримга ўхшаб кетар экан, деб кўлимга қалам олиб юрагимдагиларни битмоқдаман.

Мен 1986 йил август ойида севмасдан қариндош йигитга турмушга чиқдим. 1986-1989 йиллар ичида 4 марта ҳомиладор бўлдим, лекин бирортаси ҳам турмади. Ўзим болаларни жуда ҳам яхши кўрар эдим. Шунинг учун ҳар болам тушганида қаттиқ тушкунликка тушар эдим. Турмуш ўртоғим мард инсон, мана шундай оғир давларимда мени доимо қўллардилар: "Биз ҳали ёшмиз, фарзандли бўлаемиз, куйинма", - деб овулар эдилар. Бирор марта ҳам: "Нега бунақа бўляпти?" - деган эмаслар. Тошкентдаги яхши врачларга давлат-

### "Аввал дугона, кейин бегона..." - 36- сон

дилар. «8-Март» сихаттоҳида ҳам даволандим. 1989 йил Одессадаги "Куяльник" сихаттоҳида эса иккаламиз даволандик. Шундан сўнг 1990 йил декабрда биринчи қизимиз дунёга келди.

Оиламизда чинакам байрам бўлди. Ҳаммамнинг қувончи чексиз эди. Ҳозир 3 та қизимиз бор, турмуш ўртоғимни севаман, жуда бахтлимиз. Баъзи эркаклар каби: "Ўғлимиз йўқ", - деб хафа бўлмайдилар, қизларини жуда ҳам яхши кўрадилар. Демокчиманки, Оллоҳ бандасини синар экан, оғир кунларни ато қилар, касаллик берад экан, агар мана шу қийинчиликларга бардош берса ва вазминлик билан енга олса кейин бахт ато этар экан.

Юлдузга жуда ҳам раҳиман келди. Чунки инсон тушкунликка тушган вақтида, касал бўлганда яқинлари томонидан берилладиган далдан малҳамдан ҳам аъло, деб биланман. Мен Юлдузнинг она бўлишни қанчалик хоҳлаганини, лекин тугруқхонадан қуруқ қўл билан қайтиб чеккан гамини юрак-юрагимдан ҳис қиламан. Юлдузнинг гамини эри баҳам кўрмаганидан ачинаман.

Мана шундай оилаларни бузилиб кетишига мен кўпроқ

эркакларни айблайман. Ўша йигитнинг ўз фикри, тушунтирмаси бўлиб ойсига тушунтирмаси бўлар эди. Агар йигит: "Ойи, шу келинингиз соғлигида бизга керак эди, туғиб берса яхши бўларди, нега эри касал бўлса қайдаш керак? Ахир хотинимнинг ўрнига мени қўйиб кўринг-чи? Мен касал бўлиб қолсам хотиним мени ташлаб кетса нималар бўлар эди? Бола 2 марта ноҳуд бўлди, биз ҳали ёшмиз, Худо фарзанд бериб қолар ахир, мен шу хотиним билан яшайман", - деб айтганида онаси уни мажбур қилолмас эди. Ахир у ҳам аёл-ку, тушунарди.

Ҳаётда мана шундай кам ўйлайдиган, ўз фикрига эга бўлмаган, кўрқоқ эркаклар борлигидан нафратланиб кетаман.

Синглим! Сен ҳеч тушкунликка тушмагин. Ишга ҳам жойлашиб олдирсан. Ҳаётинг ҳали олдинда. Бундай номард эркакдан эрта қутулганингга шукр қил. Кейинги ҳаётингга қадринга етадиган, ҳурмат қиладиган, оғир кунларингда ташлаб қўймайдиган мард инсонга дуч келишингни Худодан сўрайман. Худо бахтингни берсин.

**САБОҲАТ**

Бухоро шаҳри

## СИЗГА ҲАМДАРДМАН

### «Виждон азоби қийнаса...» - 34-сон

Мен бу газетанинг ашаддий бир мухлисиман. Хар чорданбани интизорлик билан кутаман. Чунки бир ҳафтада менинг юрагим жуда кўп ҳасратларга тўлиб кетади. Мен газетани ўқиб озгина бўлса-да, ўзимга келаман. Шу боис ўз ташаққурим, миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Газета мендек қийналган, ширин сўзга зор аёлларга руҳи кўват, таскин-тасалли бағишламоқда. Энди бу мақола хусусида.

Вазира опа! Сизга берадиган саволларим жуда кўп, мақолани ўқиялману, савол кетгани савол келади. Сизни эрингиз жонидан ортиқ яхши кўрар экан, айтганларингизни эиёд қилиб келтириб берад экан. Сизнинг айтганингиз айтган, деганингиз деган экан. Ҳўш, сиз яна нима учун у кишига "иссиқ-совуқ" қилардингиз?

Сиз менинг ҳаётимдан озгина эшитинг. Мен ҳам турмуш қурганимга 10 йил бўлди. Уч нафар болам бор. Шу ўн йил ичида эрим менга ёки фарзандларимга бирон нарса олиб берганини эслолмайдиман. Ҳаттоки рўзгорини ўйламайди. Мени-ку ўйламасан, уч нафар гўдагини ўйласин, нима еяпти, нима кийяпти —

**ЭСЛАТМА: Эримга кўп ёмонликлар қилдим. У уйдан чиқиб кетиб етти йил ёлғиз яшади. Яқинда у вафот этди.**

**Эрим ўлгунича ҳам бизни таъминлаб турганди. Хато қилганимни жуда кеч англадим...**

**ВАЗИРА**

ҳеч нарса билан қизикмайди. Мана шунақа эр билан ашасангиз нима қилардингиз? "Ёмонни кўрмасанг", яхшини қадрига етмайсан", деган нақл бор. Менга ҳам одамлар: "Мана шунақа ирим-сиримлар қилдир", - деб айтишганди. Лекин мен қилмадим.

Турмуш ўртоғингиз яхши одам экан. Битта кастомни олиб, индамай чиқиб кетибди. Фақат... Сизни кўзингиз кеч очилибди. Сизга гапларим қаттиқ ботган бўлса кечира-сиз. Сизга куч-қувват, иродали бўлишингизни тилайман.

Сиз хар ҳолда яхши аёл экансиз. Сизга ҳамдардман. Ҳамма ҳам ўз хатосини тан олавермайди-да.

**ЗУЛХУМОР**

Самарқанд

**Ўзба ва ондин офзулар пла онла курайтман**  
**ДУШОДБЕК ва ШОХИС-**  
**МАХОММАДНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН**  
**АЗИЗ ВА МУХТАРАМ ЖАМОАСИ!**  
 Сизларни тоқтиб - ўқитувчилар ва мураббийлар кунни билан қутлаймиз!  
 Онлаиниза хотиржамлик ишларинизга эса зафарлар тилаймиз.  
**"5" 2001" гуруҳининг**  
**ота-оналар кўмитаси**

**ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН**  
**ХОТИН-ҚИЗЛАР КОЛЛЕЖИНИНГ**  
**АЗИЗ ВА МУХТАРАМ ЖАМОАСИ!**  
 Сизларни тоқтиб - ўқитувчилар ва мураббийлар кунни билан қутлаймиз!  
 Онлаиниза хотиржамлик ишларинизга эса зафарлар тилаймиз.  
**"5" 2001" гуруҳининг**  
**ота-оналар кўмитаси**

**ПОКРАСКА И РЕСТАВРАЦИЯ КОЖАНОЙ ОДЕЖДЫ ВСЕХ ВИДОВ**  
**(Снап, Набук, "Варенка", Замша, Крек, Дубленка, Лайка, "Мафия")**  
 В натуральной форме. Замена молний, кнопок, подкладки, латаные дыр.  
 Качество гарантируем.  
**Приемные пункты по адресам:** 1. ЧФ "Азиза Сайфи кизи", ст. мет. "Тинчлик", ул. Беруни, Ц-27, дом 5. Тел: 42-19-57, 40-22-69.  
 2. Ул. Навои, 2, Урда. Ориентир — платная поликлиника.  
 3. Универсам "Юнусбад". А. Тукая, 1, ориентир — Главпочтамт.  
 4. Торговый центр "Чилонзор".  
 5. Сев. Вокзал, подземный переход. Лиц: № 4320

**УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН!**  
 Онамиз Каромат Аралова 30 йил муалима бўлиб ишлади. У ўқитган ўқувчилари нафақат Яққобнинг Шаманқирғиз кишлоғида, балки Қашқадарёнинг барча ҳудудларида меҳнат қилишди.  
 Ўқитувчиликдек шарафли касбда ишлаб, отам Исмаил Шарипов билан бирга, биз 6 нафар фарзандини олий маълумотли қилиб ўқитиб элга қўшдингиз.  
 Бугун азиз онажонимиз Кароматхон Араловани кутлуг 50 ёшлари билан, ҳамда 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунни билан табриқлаймиз.  
 Бахтимизга соғ бўлиб, узоқ умр кўриб юринг.  
**Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз**

**ОИЛА —**  
 32\165 келишган ўзбек кизи, 40 ёшгача бўлган эркек билан танишмоқчи. **Мақтуб учун манзил: Главпочтамт А/Я 45-30.**  
**ОИЛА —**  
 Тошкент вилоятилик, тижоратчи, ажрашган, 33 ёшли, нафақадаги ота-онаси бор, ёлғиз ўғил бепарзанд, одоқли, уйим-жойим дейдиган аёл билан танишиб турмуш қурмоқчи.



**ХАЛҚАРО КОМПАНИЯ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДАН ҚЎШИМЧА САРМОЯ ЭГАСИ БЎЛИШНИ ИСТОВЧИ КЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИ КИШИЛАРНИ ХАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**  
 — раҳбарлик лавозимиде ишлаш тажрибаси бўлган кишилар; — институтда ишлаш тажрибаси бўлган ўқитувчилар; — медицина ходимлари — врачлар. **Тел: 144-41-57**  
**Лиц: № 382-1/00**

**Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ҳасанов Абдурахмон Асқарович Хусусий Лор шифохонаси кўйидаги касалликларни самарали даволайди.**  
 - Гайморитлар ва бошқа синуситлар; - Йирингли ва йирингисиз отитлар; - Аллергик вазотор ринитлар; - Сурункали тонзилитлар; - Эшитишни заифлашуви ва кулоқдаги шовқин; - Сабабсиз йўтал; - Овозни бугуллиши, томоқда ёт жисмини сезиш.  
**Клиника манзили: Чилонзор, 17-мавзе, 32-уйга қурилма. Тел: 76-86-85. Метронинг "Чилонзор" станцияси, мўлжал: Халқлар дўстлиги кўчасидаги "Совпластитал" магазини. Беморлар ақшанбадан ташқари 16.00 дан 20.00 гача қабул қилинади. Лиц: № 001-УЗАЙТ**

## ОНАМ АЛЛАСИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ

Яқинда танишим Насрулло Рўзиев касалхонада даволаниб чиқди. Аҳволи оғирлашиб ётган кезларида дардни қандай енганлигини сўзлаб берди.  
 - Касал ётган одамга ҳеч нарса ёқмас экан, - деди у. - Ўша кунни кўзимга ҳеч нарса кўринмас, хотинимнинг гоҳ-гоҳида оғзимга овқат тутиши ҳам менга ёқмасди. Укам касалхонага олиб берди. Кўнж дард кўрмагур Абубакир бизни хушмуомалалик билан қутиб олди. Дарров биринчи ёрдам кўрсатишиб, ташхис қўйишди. Операция қилишга тайёрлаш лозимлигини айтишди. Афсуски, оғриқни пайсайтертувчи уқоллар менга акс таъсир қилган. Уларнинг айтишича, кўз қорачигим тепага тортиб, бутун аъзои-баданимдан тер қуолиб, аҳволим бирданга оғирлашган. Жонҳолатда: «Операция керак эмас», - деб бақирганимни биланган холос. Кўз олдим қорангулашиб, хушимни йўқотдим. Бир маҳал қарасам, тепамда онам раҳматли пайдо бўлди. Кўзларимга ишонмасдим, йиғлаб юбордим.  
 - Онажон, соғ-омонмисиз, - дея онажоним билан кўришдим.  
 - Болам, ҳар иш Худодан. Қўй, тушқунликка берилма, фарзандларинг қамолини кўргин жон болам. Биланган, сенга жуда ҳам оғир, аммо начора дардни берган Худо даъвосини ҳам беради.  
 - Йўқ она, бу дард тамом қилади, ше-

қилли, - дедим. Аъзои-баданим ловуллаб, вужудимни бир ўт гўё куйдургудек бўларди. Бехиётёр кўзимдан ёш чиқиб кетди. Онажоним юз-кўлимни силай бошлади.  
 - Сен ҳали болаларингга кераксан, ўғлим, сен мени қандай севсанг, улар ҳам сени шундай суйишади, - дея алла бошлади. Жон қадр азиз бу қўшиқ бутун вужудимга ёқимли илиқлик бағишларди.  
 - Онаминг далдаси сабаб бўлдим, бироз ўзимни тетик ҳис қилдим.  
 Вужудимни эгаллашган аллақандай туйғудан енгил тортиб, уйғонганимда тепамда укам кўз ёш тўкиб ўтирар, ён атрофини шифокорлар қуршаб олишганди. Билсам, мен хушдан кетган заҳоти улар мени операцияга олиб кириб кетишган экан. Палатада кўзимни очганимда хонадагиларнинг барчаси қичқириб юборишди. Мен эса уларга онам билан бўлган суҳбатни айтиб бердим. Онаминг алласи, ҳаётбахш қўшиғи тугайли қайта дунёга келгандек бўлдим.  
 Насруллонинг ҳикоясини тингларканман, яна бир бор инсон руҳи абадийдир, деган фикр ҳаёлимдан кечди.  
**Гайбулло АБДУЛЛАЕВ**  
**Бухоро вилояти,**  
**Ғиждувон тумани,**  
**"Зарафшон" ширкат хўжалиги**

### Ажойиб-ғаройиб

## БАРДАМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Одамнинг меҳнат қобилияти, иш унуми, сиҳат-саломатлиги, қанча умр кўриши кўп жиҳатдан турғи овқатланишга боғлиқдир. Организм сарфини қоплаш учун зарур бўлган озиқ моддалар, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва витаминлар овқатда маълум нисбатда бўлиши зарур. Инсон саломатлигида бошқа моддалар қатори витаминларнинг аҳамияти гўнжга катта.  
 Сабзавот, мева ва қўқатлардаги минерал моддалар ва бошқалар енгил ҳазм бўлади. Масалан, ўрик баргак юрак ишемик хасталигига чалинган беморларга тавсия этилади. Узум, юрак томир тизими, жигар ва буйраги хаста кишилар учун жуда фойдалидир. Назматқак турли хасталикларнинг олдини олиш, организмнинг ҳимоя қилиш хоссаларини ошириш, жигар, ўт йўллари, гастрит ва бошқа касалликларни даволашда катта аҳамиятга эга. Назматқак дамламаси одамнинг меҳнат қобилиятини ошириб, ҳордиқни, дармонсизликни ёзади. Меъда шираси ажралишини яхшилашда сафро ҳайдайдиغان восита сифатида оқ бошли қарам, буйрак, жигар, гипертония касалликларида, туз тўпланганда, қабиъятда, кўз хиралашганда сабзи яхши фойда беради.

Агар инсон организмда В, витамини камайиб кетса кўй гўшти, тухум, хамиртуруши таомлар, ёнғоқ, исмалок, памидор, кўк нўхот, кўк пийёз ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиб туриши лозим.  
 Мевалардан анор, беҳи, олма ва лимон, шунингдек ошқоқ, нилуфар, қашинча ва отулоқдан тенг микдорда олиб қайнатилади ва ҳосил бўлган шарбатдан ҳар кунни бир ош қошиқ микдорда оқ қориндан ўзини бардам сезиб, дармонсизлик, мадорсизлик ҳолати йўқолади.  
 Майдаланган ўрик барги, ёнғоқ магзи ва майиздан 400 граммдан олиб, уларни 200 грамм тоза асалга аралаштириб, овқат олдиан ярим ёки бир ош қошиқдан еб юрилса одам кун бўйи чарқоқ билмайди, қуввати ошади.  
 Битта тухум саригага лимон ёки апельсин шарбати ва бир чой қошиқ тоза асал аралаштириб эрталабки нонуштада тановул қилинса саломатлик тобора мустаҳкамланиб, унча-мунча дард кишига яқинлашмайди.  
**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
**доцент**

### Саломатлик

**“Раньо” ўқув маскани сизларни ўқишга таклиф этади ва касбнинг нозик сирларини ўргатади:**  
 1. Торт, пишириқ, салатлар тайёрлаш - 1,5 ой.  
 2. Замонавий парда, чойшаблар тикиш - 1,5 ой.  
**Манзилимиз: Метронинг Гафур Гулом бекати, 1-уй, 6-қават, 44-хона. («Ганга» магазини қаршисидаги 12 қаватли бино.)**  
**Тел: 162-67-86, 46-95-96, 46-75-62.**

**«MODA BELLA»**  
 Сизларга Америкада тайёрланган тўй ва оқшом либослари, қиз болаларнинг кийимлари ҳамда аксессуарларни ижарага таклиф этади.  
**МАНЗИЛ: Оқтепа майдони, Есенин кўчаси, 31-уй, 3-хона.**  
**Тел: 78-47-67** **Лиц: № 0918052**

**“ХОЛИС-УМИД” ФИРМАСИ замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:**  
**КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:**  
 - WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC.  
 - Ақушерлик-6 ой.  
 - Хамширалик-3 ой.  
 - Сартарошлик-3 ой.  
 - Бичиш-тиқиш (келиндарнинг замонавий либослари)-3 ой.  
 - Аёллар костьом пальтоси-3 ой.  
 - Парда, пкривал (замонавий Элита усулида).  
 - Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.  
 - Торт ва салат (олдий ва олий курси)-3 ой.  
 - Массажистка-2 ой.  
 - Эркалар костьом шими-2 ой.  
 - Косметология -2 ой.  
**ДИҚКАТ!** Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёти билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.  
**МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.**

**«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади**  
 1. Бичиш-тиқиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой.  
 2. Хамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машгулотлари ўтилади.  
 3. Сартарошлик - 3 ой (амалиёти билан).  
 4. Массаж (амалиёти билан) - 2 ой.  
 5. Торт ва турли хил пишириқлар - 2 ой.  
 6. Парда ва пкриваллар тикиш - 1 ой (замонавий элита усулида, парда ва пкриваллар учун буюртмалар қабул қилади).  
 Ўқишни тугатганларга диплом берилади. **Лиц: № 587**  
**Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин).**

**Замонавий парда-чойшаблар, либослар тикаман, тўй тортлари пишириш учун буюртма қабул қиламан ҳамда тикиш ва пиширишни ўргатаман. Тел: 133-71-48, 46-54-72**

**СИЗНИ ЁД ЭТИБ...**  
 Фарзанд қилиб тарбиялашди. Бахтлимиз, баъзан бахтимизда онасининг камтиклик сезамиз. Бу соғинч, ота дийдорини соғиниш бўлса керак. **Гарчи дунё шодликлари, Ранг-баранг нақадар, Оталарсиз кўнгилларга, Армон тўлар қатма-қат.** Ўн йилдирки дилда армонимиз қат-қат. Отажон! Сизни айнақса укаларим Алишер, Шухрат, синглим Ноилалар кўп кўмсашиди.  
 Бахтимизда онасининг камтиклик сезамиз. Бу соғинч, ота дийдорини соғиниш бўлса керак. **Гарчи дунё шодликлари, Ранг-баранг нақадар, Оталарсиз кўнгилларга, Армон тўлар қатма-қат.** Ўн йилдирки дилда армонимиз қат-қат. Отажон! Сизни айнақса укаларим Алишер, Шухрат, синглим Ноилалар кўп кўмсашиди.  
**Хотира - муқаддас**  
 қалби меҳрга тўлган Фарзанд қилиб тарбиялашди. Бахтлимиз, баъзан бахтимизда онасининг камтиклик сезамиз. Бу соғинч, ота дийдорини соғиниш бўлса керак. **Гарчи дунё шодликлари, Ранг-баранг нақадар, Оталарсиз кўнгилларга, Армон тўлар қатма-қат.** Ўн йилдирки дилда армонимиз қат-қат. Отажон! Сизни айнақса укаларим Алишер, Шухрат, синглим Ноилалар кўп кўмсашиди.  
**Насиба МИРСАМАТОВА**  
**Тошкент шаҳри**

Ешим 20 да. Бундан 3 йил аввал медицина билим юртидан касалхонага амалиёт учун борганимизда, бир йигит билан танишиб қолдим. У мендан 5 ёш катта эди. Касалхонага тиббий кўриқдан ўтиш учун юборилган экан. У соддалиги ва хушмуомалалиги билан менга ёқиб қолди. Унга тиббий кўриқдан ўтиши учун ёрдам беришни

Э. билан учрашмайдиган бўлдик. Бунинг менга қанчалар қийин бўлганлигини сиз ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Мен кўча-кўйда одамлар орасидан уни яширинча қидирар, узоқдан бўлса ҳам бир мартагина кўришни орзу қилардим. Тунлари бирга ўтган бахтли онларимизни эслаб йиғлаб чиқар эдим. Шу тарзда бир йил ўтди. Бир куни мен уни

етиша олмаслигимни, бизнинг келажимиз йўқлигини сездиранди. Шу орада мен ўқишни битириб, туғруқхонага ишга жойлашдим. Ишхонам унинг уйига яқин эди. Кўчада у билан тасодифан учрашиб турар эдик. У ҳар сафар менга яна учрашиб туришни таклиф қилар, мен эса ҳар доимгидек рад жавобини берардим. Шу тарика кунлар, ойлар ўта бошлади. У ҳар сафар мен билан учрашиб қолганда илиқ кўришар, ҳар доимгидек уйимга ёки ишхонамга кузатиб кўяр эди. Маълум бир муддат эса менга учрашишни таклиф қилмай кўйди. Менинг юрагимдаги севи эса кундан кунга кучайиб борар, лекин унга билдирмас эдим.

Кунларнинг бирида уни бир қиз билан гаплашиб турганини кўриб қолдим. Ўзимни кўярга жой тополмай, ҳаяжондан қўлимдаги сумкам ерга тушиб, ичигади нарсалар сочилиб кетди.

Туни билан йиғлаб чиқдим. Орадан бир ҳафталар ўтгач уни яна учратдим. У мен билан ҳар доимгидек сўрашди ва кундан-кунга ошчилик бораётганлигини айтди. Шунда мен биринчи марта биз яхшилаб гаплашиб олишимиз лозимлигини айтдим. Кечқурун учрашимизни белгилаб олдик. Учрашиб, унга мени севиши ёлгонлигини, тунво кунни бир қиз билан курганимни айтдим. Шунда у менга шунча вақт орасида бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. Биз у билан ажрашганимиздан сўнг бир йил-

куни улар орани очиб қилишган экан. У шунча бўлиб ўтган воқеалардан сўнг ҳам мени барибир унутмаганини ва ҳеч бир қиз менга ўхшамаслигини, шунинг учун ҳам мени севишини айтди. Сўнг менинг унга бўлган муносабатимни сўради. Мен ҳам унга барча бошимдан ўтган ҳис-туйғуларимни гапириб бердим. Келажакимиз йўқлигини ўйлаб, ўзимни ундан олиб қочганимни, бошқа билан турмуш курганимизда иккимизга ҳам қийин бўлмаслиги учун шундай қилганлигимни айтдим. У ҳам буларни ҳаммасини билишини, бундан ташқари оилаларимиз бир-бирига тўғри келмаслигини айтди. Чунки бизнинг оиламиз моддий жиҳатдан уларникидан анчагина устун эди. Э. бошқага уйланса ҳам, барибир юрагининг бир четини мен эгаллашимни, мени ҳеч қачон унутмаслигини айтди.

Мен ҳам унга яхши жойларга кўёв бўлиб бахтли яшашини чин дилдан исташимни билдирдим. Биз хайрлашдик. Бу мени ҳаётимдаги энг унутилмас кун бўлди. Чунки, у билан биринчи ва охириги марта ҳеч қандай шубҳа-ғумонсиз, чин дилдан тўйганимча гаплашиб олдим.

Энг асосийси мен уни ва у мени чин дилдан севишимизни бир-биримизга изҳор этдик.

Мана, Э.нинг уйланганига ҳам ярим йил бўлди. Лекин, мен барибир уни севганимча қоламан. Йўқ, уни хотининг деб советиб, мен билан учрашиб юришини хоҳламайман. У ҳаётда борлиги учун, бахтлилиги учун севаман. Менинг бахтимга у соғ-саломат бўлсин.

Лекин мени ҳамон бир ўй хайрон қолдиради. Бизни бир-биримиздан ажралишимизга сабаб мени шим қийишимми? Нима учун отахону онахонларимиз

## КЎЙИМГА ҚАРАБ

ҳамшира менга юклади. У билан кўриқлардан ўтгунича танишдик. Сўнгра шу кундан бошлаб у ёнимга келиб ширин-ширин сўхбатлар курадиган, иш билан бирор ёққа чиқадиган бўлсам бирга қўшилиб бориб келадиган бўлиб қолди. Ҳар куни мени кутиб, уйга қайтишимда бекатгача кузатиб кўярди. Бир куни у менга: "Эртага сизни кўрмайман. Сизга жудаём ўрганиб қолибман. Расмингизни беринг, илтимос, ҳеч бўлмаса унга қараб кунимни ўтказаман", - деди. У қистайвергач, расминини беришга мажбур бўлдим. У расминини уйига олиб кетди.

Одатдагидек душанба куни биз яна кўришдек. У негадир хафа, ҳорғин кўринар эди. Бунинг сабабини сўрасам ҳеч нарса бўлмаганлигини айтиб, менга расминини қайтариб берди. Кун бўйи у галати ҳолда, маъносиз юрди. Мен ундан сабабини сўрайвериб қўймадим. Кейин унинг ҳолати расм билан боғлиқлигини сездим. Чунки дугоналаримдан севган кишига расм берса хосиятсиз бўлишини эшитган эдим. Ахийри у менинг расминини онаси кўриб қолганлигини ва (мен расмга шимда тушган эдим) кимлигимни суритириганлигини айтди. У онасига мен ҳақимда айтибди ва келажакда менга уйланишини билдирди. Онаси эса расмга қараб туриб: "Менга шим киядиган келин керак эмас, бунақа қиз кўчаники бўлади", - деди. Э. ҳар қанча онасига мени мақтамасин онаси: "Гал тамом", - деб чиқиб кетибди. Шу сабаб Э. энди буюёғига нима қилишини билмай юрган экан. Мен бу воқеани эшитиб туриб, анчагача ўйлаб-ўйлаб қатъий ҳолда Э. га: "Агар онангни рози бўлмаса, ҳеч қачон бахтли бўлолмаймиз. Бир-биримизга янада қаттиқ боғланиб қолмасангиздан муносабатларимизга чек қўйишимиз керак", - дедим. У эса: "Учрашиб тураверайлик, сизга жудаём боғланиб қолдим, сизсиз мен қандай яшайман", - деди. Мен барибир қароримда қатъий туриб олиб, бундан кейин ёнимга келмаслигини талаб қилдим. Шундай қилиб биз



## БАҲО БЕРИШ ТЎҒРИМИКАН?

ниҳоят толдим. Ичимдан тўлиб-тошиб чиқаётган қувончимни, соғинчимни зўрга яшириб турар эдим. У ҳам мендан кўзини ўзмай узоқдан қараб турар эди. Мен унга зўрга салом бера олдим, ҳолос. У менга яқинлашиб кўришди, сўхбатлашиб туриб ўтган воқеалар учун кечирим сўради. Мен уни аллақачон кечирганимни айтдим. У севишни бу ёёғига яна учрашиб туришни таклиф қилди. Мен унга яна қаршилик билдирдим. Ва тез хайрлашиб кетдим. Кетаялману, кўзларимга ёшлар қуйилиб келарди. Шу куни мен уни чиндан ҳам севиб қолганлигимни тан олдим. Лекин шунга қарамай қандайдир бир куч барибир унга

гача онаси билан мен ҳақимда тортишиб, бошқа қизларга қиё боқмай, фақат менинг хаёлларим билан яшабди. Тақдирга тан бериб икки йилдан сўнг яна бир қиз билан танишибди.

У онасига бу қизнинг ҳам расмини кўрсатибди. Онасига бу қиз ҳам маъқул бўлмабди. Э. онасининг фикрини унга ҳам айтибди. Аммо шунга қарамай улар учрашиб туришибди. Бир кун Э.нинг дўстларидан бири у киши бошқа бир йигит билан хилват жойда турганини кўришганини айтибди. Шундан сўнг у қиз билан учрашиб воқеани аниқлаштирганда, бу ҳақиқат бўлиб чиққан экан. Худди шу пайтда мен уларни кўрган эканман. Шу

ёшларнинг қийимига қараб баҳо беришди? Ахир шим қийганим билан мен ўз виждоним олдида покман-ку. Кўнгли тоза қизман, энгил табиат эмасман. Ўша куни ўз-ўзимча қасам инганман "шим қиймайман", деб. Ушандан бери шим қиймайман ҳам. Лекин барибир одамни қийимига қараб баҳо бериш тўғримикан? Узун кўйлак қийиб, ўраниб юрган хотин-қизлар орасида ҳам энгил табиатлилари борлигини эшитиб юрибмиз-ку.

Менинг фикримча, қиз бола аввало ўзига тўғри бўлсин, энг асосийси ўз виждони олдида пок бўлсин. Бунга сиз нима дейсиз?

НИЛУФАР

ДИЛ ИЗҲОРИ

## БАХТ МЕНИ ИЗЛАБ КЕЛАДИ...

Менинг ёшим 22 да. Мактабни аъло баҳоларда тугатиб юрагимда не-не орзулар билан олий билим даргоҳи томон ошиқдим. Аммо омад қулиб боқмади. Ўқишга киролмадим. Бундан унча хафа бўлмадим, чунки янаги йили киришимга албатта ишонардим. Янаги йили... афсус, афсус яна киролмадим.

Мен тенги қизлар турмушга чиқа бошлашди. Аммо мен ўзимни турмушга чиқишимни ҳеч тасаввур қилолмасдим. Юрагим фақат ва фақат ўқишга интилиб яшарди. Бу томондан оилавий аҳволимиз ҳам унчалик яхши эмас эди. Онам мени ўқишга киритишимни жуда истар, аммо отам бунга қарши эди. Отам мени тезроқ турмушга бериб қутулишни истарди. Ўз отам бўлсада, менга худди ўғай отадай туюларди. Гоҳида уйдан бошқа жойларга қочиб кетгим келарди. Лекин ҳар

сафар онамни ўйлаб бу ниятимдан қайтардим. Чунки менинг онамдай меҳрибон, мард аёл бу ҳаётда кам учрайди. Онам ҳар доим: "Болам сени ўқитаман, сен ўқишинг керак", дердилар. Мен эса ўша кунларни орзиқиб кутардим. Ниҳоят учинчи йили яна ҳужжат топширган кунимнинг эртасига онам инфаркт бўлиб касалхонага тушиб қолдилар. Ўша кундан бошлаб ҳаётим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ўн саккиз кун касалхонада олдиларида бўлдим. Опа-акаларим оилали бўлиб кетишгани учун ота-онам хизматию, рўзгор ташвишлари менинг зиммамда эди.

Тақдир экан, онам оғир ётиб қолдилар. Ох, уларни чеккан азобларидан юрагим қон бўлиб оқарди. Онаминг сарғайган юзи, қалтироқ тугган вужудига қараб турардим, ошхонага бориб юм-юм йиллардим. Кунлар ўтиб, онамни касал энгиб борар, касал

зўридан онам инжиқланар, дод солар, ўзига ўлим тилаб йиғларди. Мен эса чидай олмай ўзимни ташқарига отардим. Аммо йиғидан не наф ўзим ҳам билмасдим. Лекин онам учун ҳаммасига чиқардим. Онаминг касали отам учун яхши баҳона бўлди. Онаминг юрак касали борлигини билиб атайлаб жанжал қилган, онамни кўзи илинганини билса тўсатдан бақириб, челақларни супага улоқтириб юборарди. Сезардим, у тезроқ онаминг ўлимни истарди. Ҳатто бунинг онаминг гувоҳ айтиб турганига гувоҳ бўлганман. Ушанда онам шунга кўз ёш тўкиб, ззилиб-ззилиб йиғлагандилар.

Кунлар ўтиб борар, отамнинг жаҳли авжига чиқар, биз эса лом-мим демасдик. Ҳаётда миннат тоши одамга ёмон тегаркан. Ҳатто жонимдан ҳам безор бўлиб борардим. Аммо ҳеч қайсига кетолмасдим, чунки онамни жуда яхши кўрадим.

йиғдим: "Мен Тошкентга кетаман", -деб туриб олдим. Ака-опаларим: "Отамдан безисанг бизникига бориб тур", -деишди.

Аммо мен кўнмадим, ҳеч қимга малол келишни истармасдим. Ниҳоят улар ўзаро келишиб мени Тошкентда яшаётган бир ҳамқишлоғимизникига юборишди. Ҳозир шу ерда яшайман, ҳам иш-лаятман. Мен ҳамон инсти-тутга кириш учун тинимсиз тайёрланаётман. Билмадим, балки бешинчи йил омадим чопар, "Оила ва жамият" нинг саҳифаларида ёш қизларнинг бахтлари очилмаётгани, турмушга чиқмаётганликларидан нолиб ёзган дил изҳорларини кўп ўқийман.

Шунда: "Дугонажонлар, шошиланг, бахтнинг кечи бўлмайди. Аввал сиз ҳаётдаги ўз йўлингизни топиб олинг, ана шунда бахт ўзи сизни излаб келади албатта. Мен бунга ишонаман", -дегим келади.

КОМИЛА

Қашқадарё вилояти

## ХОТИНДАН ЯШИРИЛГАН ПУЛ

Расулжон пишиқ йигит. Мактабда номигагина дарс беради. Асо-си иши тижорат. Бозордан олганини бошқа бозорга олиб бориб сотади. Топганини хотини Кароматхонга олиб келиб беради. Қанча фойда қилса ҳам барибир сигаретнинг энг арзонини олиб чекади. Чикимини шунақаям хушламайдики, баъзан қорнига егани ҳам оғринади. Олдинлари автобусга пул тўламай тушиб кетишга ҳаракат қиларди. Энди "Дамас" чиларга оғриниб ноилохликдан пул узатади. Битта пискада ўн етти марта соқолини олиб, уни оғриниброқ ташлайди.

Собиқ синфдошлар йиғилиши ҳар йил бир марта Шоҳимардонга боришиб дам олиб келади. Расулжон эса бора олмайди. Пули йўқлигидан эмас, балки икки кунда сарф қиладиган харажатга тоби йўқ. Лекин синфдошларнинг яйраб дам олиб қайтишганини эшитиб, ичида янаги йилга борсам бўларкан, деб қўяди.

Нихоят Расулжон фойда пулидан озгина-озгинадан яшириб, молнинг охури остига йиға бошлади. Ҳеч ким йўқлигидан пулни қайта-қайта санайди-да, уни латтага ўраб яна охур остига қистириб қўяди. Синфдошлари билан бор таваккал деб Шоҳимардонга боришни хаёллабди. У ерга борганда ҳам пулни барибир тежаб ишлатади. Йиғиб қўйган ўн мингнинг ярмини ишлатса ҳам катта гап...

Синфдошлари эртага саёхатга боришга тайёргарлик қўришаётганда, Расулжон ҳам уларга шерик бўлишини айтди.

Кейин тижорат учун бозорга кетди. Бекорга уйда юргандан озгина бўлса ҳам рўзгорга кирим бўлса яхши-да.

Кароматхон эрини бозорга жўнатиб, озгина кир ювди. Шу пайт сигир қашланиб, бўйинини охурга ишқалаган эди, охур сурилди, латтага ўралган пул ерга тушди. Сигир уни ямлаб, чайнаб-чайнамай юта бошлади. Кароматхон кечки пайт сигирнинг тапписини деворга ёпиштириш учун юмалоқлаётган эди, ундаги пул парчаларига кўзи тушиб, ҳайрон бўлди. У таажжубда кула бошлади. Шу пайт дарвозадан Расулжон билан биргаликда Маҳаммадхон кириб келишди. Сабаби Расулжон йиққан пулни хотинига сездирмай бериб қўймоқчи эди.

- Ҳа, аяси нимага куляяпсан?- сўради Расулжон.

- Сигиримиз гўнг ўрнига пул берадиганга ўхшаб қолди, дадаси. Мана буни кўринглар.

Расулжон ўрнидан силжиб қолган охури ва пул ўралган латтани кўриб, хотинини гапига дарвор тушунди. Унинг ранги оқариб, киприклари пирпираб, пешонасидан мунчок-мунчок тер чиқиб кетди.

- Омадларинг келибди, бунақада бойиб кетасизлар,- деди Маҳаммадхон. - Сигирни мабодо Афандидан сотиб олганмидинглар?

Эртасига тенгқурлари Шоҳимардонга жўнаб кетишди. Расулжон бўлса кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Хулоса шуки, ортиқча зикналик Яратганга ҳам хуш ёқмас экан.

**Комилжон НИШОНОВ**  
Андижон вилояти

Қиссадан қисса

## ОНА СИГИРНИНГ САДОҚАТИ

Бир кишининг енгил автомашинаси борлиги боис, уйда доимо 200 килограммлик бочкадан бензин узилмас, бензин эса ёнғиндан нарироқда туриши учун оғилхонада асралар экан. Уша оғилхонада катта говмиш билан боласи-бузоқча ҳам сақланар экан.

Бир кун уи эгасининг 13-14 яшар ўғли бензинни қанча қолганлигини билиш мақсадида бочка ичига гургут чақиб қарайди. То у бензин микдорини аниқлағунча қўли қуяди ва гургут чўпни бочка ичига ташлаб юборади. Бу пайтда қиш фасли бўлганлигидан сигир-бузоқ оғилхонада, бузоқча ҳадеб онасини эмаверганидан тўрдаги қозикда боғлоглик, сигир эса ечиқ экан. Бояги гургут чўпи бочка ичидаги бензинга етгани ҳамон, бочкани кучли аланга қоплайди. Сигир оғилдан чиқиб қочай деса, боласи боғлоглик. Тутунни кўриб қўшчилар, қишлоқдошлар гуриб бордик. Лекин ҳеч кимса оғилхонага кириб бузоқчани ечиб чиқишга журъат этолмас, говмишга ҳам боласини ташлаб чиқишга оналик меҳри монелик қиларди.

Она сигир "боламини бирон киши олиб чиқармикан" деган умидда бўкириб, боласи атрофида айланарди.

Нихоят, кучли аланга бузоқчани қоплади. Шунда ҳам одамлар сигир ҳозир ўз жонини опқочади дея умид билан оғил томон қарашди. Йўқ, унча мунча одамларда топиладиган ҳис она сигирда мужассан экан. Боласини ожизгина маъраганини эшитган сигир, боласи ёнига югуриб борди. Энди оғилхонани кучли бўкириш тутганди. Нихоят, ўт ўчирувчилар етиб келиб ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлишди. Атрофни куйган гўшт иси қоплади. Она-бола жониворлар эса бу пайтга келиб куйиб кундага айланиб қолишган эди. Ана кўрдингизми азиз газетхон, онанинг боласига кўрсатган буюқ садоқатини. Бўлмаса у бир тилсиз, онгсиз жонзот-ку. Баъзида ўйлаб қоламан, биз инсонлар ҳам керак пайтда боламини учун шундай қила оламизми. Бунга иродамиз етармикан.

**Сафия УЗОҚОВА**

Шахрисабз

Автобус келиб, гапимиз чала қолди. Бир кундан кейин бирга ишлайдиган ходимларимиздан бирини тутилган кун эди. Тутилган кунга келишимдан олдин А. акамга хат ёзгандим. Унда: "Мен ёлғиз қизман, шу сабаб узоққа беришмайди. Вақт ўтказиш учун шунчаки севадиган бўлсангиз, бу бир ҳавас бўлса, ҳозирданок бу севгига нуқта қўйинг", каби сўзлар ёзилган эди. Тутилган кун туғаш билан мен хатни А. акамга бердим. У киши хатни мендан ола солиб, бир ҳонага кириб ўқиб чиқибдилар. Мени ўша кун кузатиб қўйдилар. Мен

сенинг ҳолингдан ким хабар олади? Мана мен ҳам узоққа келин бўлиб тушганман. Бошимдан ўтган кунларимдан ўзинг хабардорсан, қанчалик қийналганларимни биласан. Менинг ҳаётим, тақдирим сенда қайтарилишини хохламайман. У йигитга рад жавобини бер, тушунтир, ақлли бўлса тушунади. Ахир ўқимшили, хат-саводли, тарбия кўрган йигит экан-ку".

Мен ҳаа унсиз йиллар эдим. "Ахир қандай қилиб рад жавобини бераман, қандай қилиб орамиз очик дейман, мен бундай ишни қилолмайман, онажон. Майли нимаки қийинчиликлар бўлса бирга кўрамай. Нимаки бўлса пешонамдан кўраман. Фақат сиз дадамга тушунтиринг, мени

## СИЗДАН КЕЧИШ МЕНГА ОСОН БЎЛМАДИ...

31 декабр кун навбатчи эдим. А. акам ҳам келдилар ва биз билан янги йил кечасини ўтказдилар. Уша вақтгача менга ўз оғзи билан сизни севаман деган эдилар. Мен севаган инсон менга севаги изҳор қилди. Уша Янги йил кечаси мендан бахтли инсон йўқдек эди.

Биз севагимиз учун курашишни, бир умр бирга бўлишни аҳд қилдик. Биз учун энг бахтиёр кунлар бошланди. Уша кундан бошлаб биз бир-биримизни кўрмасак туролмас, еруққка ишонмас эдик. Тез-тез учрашадиган бўлдик. Иккаламиз ҳам муҳаббат сарчашмаларидан маст эдик. Иккаламиздан бахтли инсон йўқдек эди гўё. Кунлар ўтар эди. Мен охири ота-онамга тўғриси айтишга мажбур бўлдим. Мен А.ни севиб қолганлигимни, у бошқа вилоятданлигини, битта шифохонада ишлашимизни ва мен оруз қилган йигит шу инсон бўлиб чиққанлигини айтдим. Ота-онам менга рад жавобини беришди. Мен гапимда туриб олдим. Ота-онам бошида яхши гап билан тушунтиришди, кейин ёмон гапириб қўришди, дадам урди ҳам, сўкди ҳам. Мен барибир ўз гапимда туриб олдим. Севгининг кўзи кўр, қулоғи хар бўлади, деганларидек, ўша пайтлар ҳақиқатдан телбадек бўлиб қолган эдим. Ҳеч кимнинг гапи қулогимга кирмас эди. Энг ақин дугонам ҳам бу воқеадан хабардор бўлди. У ҳам менга тушунтиришга ҳаракат қилди. Ҳар кун уйда тўполоқ, уруш-жанжал бошланди. Уқишдан кейин уйга боргим келмас эди. Уйга боришни уйласам, юрагим ғаш бўлар эди. А. акамнинг ёнида бўлсам мендан-да бахтли инсон топиламас эди. А. акам билан гаплашиб, суҳбатлашиб ўтирган инсоннинг баҳри-дили очилиб, хурсанд бўлиб кетарди. У киши биронинг дилини оғритишни ҳам билмас эди. Бирор марта ҳатто жаҳли чиққанини, бировча сал қаттиқ овозда гапирганини ҳам эшитмаган эдим. Иложи борица одамларга ёрдам берар, ҳаммамнинг кўнглига қараб иш юрият эди. Шифохонадагилар ҳам у кишини ҳурмат билан тилга олишар, иззат-икром билан муомала қилишар эди. Билимли, зукко йигит эди. Бўлимдаги ишларнинг ҳаммасини жой-жойига қўяр, раҳбаримиз бирор жойга кетса, ё меҳнат таътилига чиқса ўрнига А. акамни қўйиб, тайинлаб кетар эди. Мен оруз қилганимдан ҳам зиёда йигитни учратгандим. Ахир, ота-онам мени тушунишса бўлар эди-ку. Ахир уларнинг ўзлари ҳам севишиб турмуш қуришган эди-ку. Онам ҳам бошқа вилоятга келин бўлиб тушган эди-ку. Мен дил-истакларимни ота-онамга бот-бот тушунтириб, ялдиним, ёлвордим, йилгадимиққадим. Барибир уйимизда юрагимдаги дардимни эшитадиган дардкашим топиламди. Онам ёнларига ўтказиб олиб кўп насихатлар қилар эдилар: "Қизим, биринчидан менинг соғлигим ёмон, сен узоққа кетиб қолсанг мени ким даволайди, ким ҳолимни сўрайди, биттаю-битта укангни уйласанг-чи, уни соғинамайсамни, уни сени кўргиси келмайдами? Ҳали она бўласан - туғишинг бор, бошинг ёстиқча тегиб бетоб бўлишинг бор,



севганимга берсинлар. Ахир севиб-севилиш гуноҳми? Ахир севаги ҳам Худо берган бир неъмат дейдилар-ку... Севиб-севилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди-ку. Менга Оллоҳим шундай бир бахтни насиб қилса-ю, мен бу севагини қандай қилиб оёқ-ости қиламан, қандай қилиб воз кеча оламан, қандай қилиб А. акамни ташлаб кета оламан. Ахир бу ўта-кетган тубанлик-ку, вилдонсизлик-ку. Мен бундай қабиҳликка қўл ура олмайман. Мен А. акамни вақтинчалик севагимини йўқ ахир. Мен у киши билан ширин ҳаёт кечираман, бахтли бўламан, севиб-севилиб яшайман деб қалбидан ўрин олганман. А. акамни соф қалбини қандай қилиб чилпарчин қиламан, қандай қилиб у кишини юзига оёқ қўяман. Бундай соф муҳаббатни қаердан топаман. Мен оруз қилган йигитни бутун вилоятни қидирсангиз ҳам топилаёйсиз, онажон",-дея тушунтирдим. Бу гапларимдан кейин онам мени озорроқ бўлса ҳам тушунгандай бўлдилар. Эртаси кун дадамга тушунтиришга ҳаракат қилибдилар. Дадамнинг жаҳли чиқиб: "Қизинг билан иккаламни тилинг бир", - деб роса уришибдилар, ҳатто онамни урибдилар ҳам.

Бечора онамни дадам қийнаса ҳам менга умуман сездирмас эдилар. Онам мени тушуниб етган эдилар. Лекин дадамга ҳеч қандай гап билан тушунтира олмадим. Оёқларига ётиб ялдиним. А. акам ҳам бизниқига бир неча бор бордилар. Дадам рози бўлмадилар. А. акам бизниқига боришдан чарчамадилар. Совчи юбордилар. Шундан кейин А. акам билан иккаламиз жудаям тушунликка тушиб қолдик. Учрашдик дегунимизча бир-биримиздан зинҳор-базинҳор кўзимизни уза олмас эдик. Бир-биримизни бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдиргимиз келмас эди. У кишининг олдидан кетдим дегунча юрагимни, вужудимни бир парчаси қолиб кетгандек бўлар эди.

(Давоми бор)

## Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб олинганда «Оила ва жамият»дан босянглиги албатта қайд этилсин.

## БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35  
Котибият, хатлар: 34-25-46  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-наси. Манзил: Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 20.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланган.

## ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»

Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - яқка обуначилар учун 176  
ташкilotлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г - 2826. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ, Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 30 000  
Саҳифаловчи - Жаъфар ЖАББОРОВ.  
Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи - М. СОДИКОВ.